БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН | № 202 (16.588). | 29 август, 1976 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Новосибирск областидаги мактабларни битириб чиқувчилар жонажон колхоз ва совхозларда меҳнат қилишга астойдил шайланганликларини изҳор қилмоқ учун слётга тўпландилар. Биз коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига ўз ҳиссамизни қўшишни истаймиз. Шу йилнинг ўзидагина область мактабларини битириб чиққан минглаб йигит-қизлар қишлоқларда қолишди. Улар далаларда ва фермаларда зўр иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар.

Сизнинг Кострома областидаги мактабларни битириб чиққан ёшларга қилган мурожаатингиз ва берган маслаҳатларингиздан илҳомланиб ҳамда КПСС XXV съезди томонидан ўнинчи беш йиллик олдига қўйилган вазифаларнинг муҳимлигини англаб, биз ўз меҳнатимизни қишлоқ экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш учун бағишлашга қарор бердик. Ҳар биримиз ота-оналаримизнинг, акаларимиз ва опаларимизнинг қаҳрамонона ишлари ва жасоратига муносиб бўлишга интиламиз.

Бутун куч ва билимимизни улуғ ватанимизни яшнатиш учун фидокорона меҳнат қилишга сарфлаймиз, деб Сизга ваъда берамиз.

Новосибирск область мактабларини битириб чиққан ва қишлоқ хўжалигида ишлашга қарор берган ёшлар слётининг қатнашчилари.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

КУБАНЛИКЛАР ИЗИДАН

МАШИНАЛАР — ҚИШЛОҚҚА

РСФСР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли Шимолий Кавказ территориал транспорт бошқармасининг илғор ҳайдовчилар бригадалари коллективларига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг юборган табрик мактуби бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари сингари республикамиз транспорт коллективларини ҳам янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди.

Бугунги кунда кубанлик донгдор механизаторларнинг энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, техникадан яхшироқ фойдаланиш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракати кенг миқёсда оммалашмоқда. Республикамиз автомобиль транспорти ходимлари ҳосилни етиштириш нақадар муҳим бўлса, уни ҳеч нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва донни хирмонларга ҳамда тайёрлов пунктларига эптиб бериш ҳам шу қадар муҳим эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда ишга киришдилар.

Ҳозир ҳар бир областда транспортдан самарали фойдаланиш йўлида марказлашган диспетчер пунктлари ташкил этилган. Улар ҳосил ўрим-йиғимида республика Автомобиль министрлиги, «Узсельхозтехника» ва бошқа ташкилотлардан қатнашаётган ҳар бир машина ва техника ҳаракатини оператив назорат қилиб турибди. Бригада пудрати асосидаги илғор технология кенг жорий этилган.

— Республикамиз далаларида етиштирилган мўл-кўл ғалла ҳосилини ташиш учун,— деб ҳикоя қилади автомобиль транспорти министрининг биринчи ўринбосари В. С. Ражабов, — бугунгача уч мингта «ЗИЛ-130» машинаси сафарбар этилди. Ҳар бири икки сменадан иборат экипажлар ихтиёрига минглаб прицеплар берилди. Урим бошидан буён тайёрлов пунктлари 560 минг тоннадан кўпроқ дон ва 10 минг тоннадан зиёдроқ озуқа қабул қилиб олди.

Галдаги вазифа — пахта ва шоли ҳосилини муваффақиятли ўриб, йиғиб ва териб олишдан иборат. Маълумки, ҳар иккисини ҳам ғоят қисқа муддатларда йиғиштириб олмоқ керак. Тахминан 10 сентябрдан 1 октябрга бўлган муддат ичида 500 минг тонна шоли ташиб олинади. Бунинг 200 минг тоннасини қорақалпоғистонлик 50 минг тоннасини эса хоразмлик шоликорлар етиштирадилар. Шу мақсадда министрлигимиз ихтиёридаги транспорт коллективлари ҳозирдан минглаб автомашиналарни тахтлаб қўйдилар.

«Ок олтин» терими бошланиши билан ҳосилни тўғри пахта тозалаш заводларига ташиш кенг йўлга қўйилади. Хирмонларда, тайёрлов пунктларида бир грамм ҳам ҳосилнинг тўхтаб қолишига асло йўл қўйилмайди. Ҳозир ҳамма автомобиль трестларида, корхона ва колонналарда пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ажратилган машиналарнинг 80 процентишай қилиб қўйилди. Экипажларни тўлдириш, ремонт бригадаларини тузиш, кўмма устаҳоналарни ташкил этиш, ёқилғи ташийдиган машиналарни ажратиш ишлари ниҳоясига етмоқда.



Жиззах области Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз меҳнат аҳли бу йил ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олмоқчи. Барча техника мукаммал ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилган. Суратда: мавсумга тайёр машиналар.

А. Абалян фотоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

Қашқадарё областидаги корхоналарнинг меҳнат коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, саноат маҳсулотини реализация қилиш саккиз ойлик топшириғини барвақт бажардилар. Пландан ташқари ўн миллион сўмлиқдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Италия Компартияси раҳбарлигининг аъзоси Армандо Коссуттани 28 августда қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида меҳмон Ўзбекистон партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида олиб бораётган ишлар билан, республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш истиқболлари билан таништирилди. Барча совет кишилари сингари республика ишчилари, колхозчилари, меҳнаткаш зиёлилари коммунистик партия билан совет ҳукуматининг ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаётганликлари, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, Марказий Комитет Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг жаҳон ишчилар ва коммунистик ҳаракатни мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган кўп қиррали ва изчил фаолиятига юксак баҳо бераётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

УЛКАН МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ТОШКЕНТ областининг маккажўхорикорлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга маккажўхори дони сотиш топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Ватан омборларига планда белгиланган 4,5 минг тонна ўрнига 18 минг тонна маккажўхори дони етказиб берилди. Область ғаллакорлари бу билан топширилган жами донли экинлар ғалласини 160 минг тоннага етказадилар ёки икки йиллик план миқдорида дон етказиб бердилар. Область бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 65 центнердан дон олинди.

Ана шу улкан меҳнат ғалабасига областдаги ҳамма районлар муносиб ҳисса қўшдилар. Карши, Шаҳрисабз районларидаги хўжаликлар ҳар гектардан 80 центнер, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли, Қамаши районидаги «Коммунизм йўли», Косон районидаги Энгельс номли, Ғузор районидаги К. Маркс номли колхозлар, Карши районидаги «Ленинизм», Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозлари 90-100 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олдилар.

Карши районидан Кичик Ҳазраткулова, Зайра Эргашева, Муҳаммади Зубайдов, Косон районидан Эсон Муҳаммадиев, Ғузор районидан Абдулла Назаров, Шаҳрисабз районидан Мўминой Кодирова, Ойниёз Оллаева, Марҳамат Рашидова, Қамаши районидан Ғулбаҳор Нуруллаева бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 110 центнер ва бундан ҳам кўпроқ маккажўхори дони йиғиштириб олишга эришдилар.

Область қишлоқ меҳнатчилари деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш юзасидан олинган оширилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар.

ҚАШҚАДАРЁ областининг маккажўхорикорлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга маккажўхори дони сотиш топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Ватан омборларига планда белгиланган 9,6 минг тонна ўрнига 23 минг тоннадан кўпроқ маккажўхори дони етказиб берилди.

Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон, Оққўрғон, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Бўка районларидаги хўжаликлар шу улкан меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Калинин районидаги Куйбишев номли колхозлар, Бекобод районидаги «Партия XXV съезди», 1-«Далвазин» совхозлари гектар бошига 80 центнер ва ундан ҳам кўпроқ маккажўхори дони йиғиштириб олдилар.

Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозидан Шукур Мавлонов, Тожибой Ҳамидов, Останакул Жўраев, Абдусоли Ашуркулов, Калинин районидаги «Партия XXI съезди» колхозидан Эргаш Шукуров бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 90-100 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олдилар.

Область хўжаликларида шолидан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Область қишлоқ меҳнатчилари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 101 минг тонна дон сотиш ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини тайёрлаш юзасидан қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар.

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

Республиканинг Тошкент, Жиззах ва бошқа областлари далаларида пахта терими олдидан ғўзани дефолиация қилиш бошланди.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари ихтиёрида беш мингга яқин трактор агрегати — пуркагич бор. Бу йил улар ўтган йилдагига қараганда 120 минг гектардан зиёд экинни ердан туриб дорилайди. Хўжаликларда етарли химикатлар ғамлаб қўйилган, колхозчилар ва совхоз ишчиларидан бир неча минг киши дефолиация ўтказиш юзасидан махсус тайёргарлик кўрди.

Йирик пахтазор массивларига ишлов беришда қишлоқ хўжалик авиациясининг 700 дан ортиқ самолёти ҳам қатнашади. Улар учун учиш-қўниш майдонлари, ёнилғи омборлари тахт қилиб қўйилди.

Ўзбекистон механизаторлари ва авиаторлари ғўза дефолиациясини пахта етилиши билан пешма-пеш қисқа муддатларда, юқори сифатли ўтказишга қарор бердилар.

(ЎзТАГ).

* * *

Пискент райони пахтакорлари бу йил 43 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олишган. Айни вақтда улар съездлар пахтачилини комплекс механизациялаш, хусусан ҳосил йиғим-теримини машиналаштиришда олға томон қадам қўйишга аҳд қилишган. Район механизаторлари «зангори кема»ларни тўла қувват билан унумли ишлатиб, уларнинг бункеридан 34 минг тонна «оқ олтин» тўкиш ҳақида ваъда беришган.

Ғўза агротехника қоидалари асосида сифатли парвариш қилиниб, ҳосили эрта етилгани туфайли районда машина теримини муваффақиятли ўтказишнинг асосий гарови бўлган дефолиацияни Тошкент областида биринчи бўлиб бошлаш имконияти вужудга келди. Бу ишни биринчи бўлиб Калинин номли ва «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг механизаторлари бошлаб беришди. Калинин номли колхозда ғўза баргини тўкиш моддасида дори сепадиган тўртта аппарат 26 август куни ишга туширилди. Шу куни 50 гектарга яқин, ўтган икки кунда 100 гектар майдонда дефолиация ўтказилди.

Шунингдек, Бекобод ва Қуйи Чирчиқ районларида ҳам дефолиация бошланди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ДОНБАСС ШАХТЕРЛАРИДАН ИБРАТ ОЛИБ

АНГРЕН, 28 август. (ЎзТАГ). Ўзбекистондаги кўмир қазиб чиқариш корхоналарининг ходимлари Донбасс меҳнатчиларидан намуна олиб, илгари ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, янги марраларни белгиладилар. Кончилик техникасидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришни интенсивлашни юксалтириш ҳисобига йиллик планни 22 декабргача бажаришга, пландан ташқари 140 минг тонна ёки аввалги мажбуриятда кўзда тутилганидан 40 минг тонна кўп кўмир қазиб чиқаришга қарор қилинди. Технологияни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, кончилик — транспорт машина — ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини кенг жорий этиш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш планининг 103,3 процент бажарилишига эришиш лозим. Тежамкорлик режимини кучайтириш ҳисобига электр энергия ва ёқилғи сарфлашни бир процент қисқартириш, қўшимча 150 минг сўм фойда олиш мўлжалланмоқда.

Ана шу оширилган мажбуриятлар 9-шахтада, Ангрен кўмир разрезида бўлиб ўтган митингларда қабул қилинди. Митингларнинг қатнашчилари Ўзбекистон кончилари ўз байрамлари — Шахтёрлар кунини муносиб кутиб олаётганликлари тўғрисида мамнуният билан гапирдилар. Пландан ташқари 104 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан белгиланган топшириқ ошириб бажарилди.

Ўзбекистон кўмир қазиб чиқариш корхоналарининг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга йўллаган мактубида ўз оширилган мажбуриятлари ҳақида гапириб бердилар.

ЎРТОҚ ЯНОШ КАДАР ЖЎНАБ КЕТДИ

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар 28 август куни ватанига жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Қримда дам олди.

(ТАСС).

Ҳосилдорликни ошириш — асосий резерв

ХЎЖАЛИКНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

Хўжалигимиз деҳқонлари ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб келяптилар. Ўтган йили 2036 гектар ернинг ҳар гектаридан 42,1 центнердан ҳосил олдик. Она-Ватанга 8 минг 579 тонна пахта сотдик. Нуриддин Беқмуродов, Ўроз Пардаев, Умбар Каримов, Абдурауф Турсунов, Ўрин Бўтаев, Саломат Маматалиева, Маматраим Ганиев, Холиқул Тўрақулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар пахта майдонидан 44-50 центнердан ҳосил етиштирилди. Терим агрегатлари ёрдамида 4150 тонна пахта йиғиштириб олинди. Ҳар бир терим машинаси бункеридан ўртача 150 тоннадан пахта терилди.

Колхозимиз меҳнаткашлари бир неча йиллардан буён «пахта фабрикаси» номини олган Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхози ишчилари билан мусобақалашиб ишлаяптилар. Икки хўжалик ўртасидаги бу мусобақа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ер, сув, техника, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, экономика ва маданиятни юксалтириш воситаси бўлиб хизмат қилаётир.

Меҳнат аҳли борки, ҳамиша олға интилади, истиқболни кўзлайди. Коллективимиз ҳам шундай. КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорлари хўжалигимиз меҳнаткашларини янада самарали меҳнат қилишга чорлаяпти. пахтадан янада юқори ҳосил етиштиришимизга даъват этяпти. Биз шуни ҳисобга олиб самарадорлик ва сифат беш йиллигининг биринчи йилида ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиб, 2144 гектар майдондан жами 10 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга қарор қилганмиз. Ягаванда сўнг ўрта ҳисобда ҳар гектар майдонда 125-130 минг тупдан кўчат сақлаб қолишга эришдик. Чунки ҳосил туплардан олинишини ҳар бир пахтакор чуқур ҳис қилади.

Хоразм область Хива райони пахтакорлари бошлаган ташаббус бизни ҳам янада илғор бўлишга даъват этди. Дарҳақиқат, сафимизда бironта ҳам қолоқ хўжалик бўлмаслиги учун кураш олиб борилмоқда. Барча пахтачилик бригадаларимизда ғўзага комплекс ишлов бериш, суғориш, шу сингари тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Кўпгина илғор бригадаларнинг ғўзаларида хозирнинг ўзидаёқ ўта ҳисобда 10-12 тадан бўлик кўсак санаш мумкин.

Август ойида ғўзалар сувга қонмаса, ҳосилини тўкади, кўсаклар яхши етилмайди. Буни ҳисобга олиб, сувчилар сонини оширдик, суғоришни икки сменада, сифатли ўтказяпмиз «Шарбат» усулида суғоришни кенг қўллаяпмиз. Меъёрга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу йўл билан ҳосилга-ҳосил кўшяпмиз. Сувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб, унумли ишлашларини таъминлаяпмиз. Дала шийпонлари қошида махсус овқатланиш ва дам олиш ҳоналари мавжуд. Иссик овқат тайёрланади, эртадан кечгача чой қайнаб туради. Мавсумий болалар боғча-яслиларининг ишига алоҳида эътибор бераётирмиз.

Ғўза парвариши лаврида машина теримини кўзлаб, иш тутилмоқда. Чеканкани юқори агротехника тадбирлари асосида сифатли ўтказдик. Ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Шоналар кўпайиб кўсаклар тезроқ очилса, бегона ўтлар батамом тугатилгандан кейин машина теримига киришилса, агрегатлар ҳам унумли ишлайди.

Колхозимиз аъзолари пахтадан ташқари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам муттасил кўпайтираётирлар. Давлатга галла сотиш йиллик плани ошириб бажарилди. Бандихон массивида бу йил 250 гектар ерга арпа ва 250 гектар ерга буғдой экиб, мўл ҳосил етиштирдик. Бу галдаги ерлардан давлатга 610 тоннадан зиёд галла етиштириб берилди. Бундан ташқари бу йил дон етиштиришни 1370 тоннага, шу жумладан, маккажўхори донини 1000 тоннага, шолини 110 тоннага етказиш учун қизғин курашяпмиз. Бедазорларимиз 300 гектарни ташкил этади. Дон учун экилган 200 гектар майдондаги маккажўхори ўрими қизғин боряпти.

Колхозимиз чорвачилик соҳасида ҳам янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Бизда икки йилдан буён чорва моллариннг тўйимли озуқаларидан бири — судан ўти экиб келиняпти. Ўтган йили бу ўсимликнинг ҳар гектаридан 1350 центнердан ҳосил олдик. Яши парвариш қилинган майдонлардаги судан ўтини 5-6 марта ўриш мумкинлигини тажрибада синаб кўрдик.

Давлатга гўшт, сут, тухум, жун сотиш етти ойлик планлари ошириб бажарилди. Бу йил ҳар бир сигирдан ўртача 3 минг килограммдан сут етиштирамиз. Хозиргача ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўртача 1 минг 900 килограммни ташкил этяпти. Гўштга топширилаётган корамолларнинг тирик вазнини 420 килограммга етказишга аҳд қилганмиз.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда мустаҳкам ем-хашак базаси барпо этилиши лозимлигини яхши биламиз. Шу боисдан 2,5 минг тонна ёки ҳозирнинг ўзидаёқ икки йилга етадиган ем-хашак запаси тайёрладик.

Колхозимиз механизаторлари пахтадан катта хирмон кўтариш, бошқа қишлоқ хўжалик соҳаларини муттасил ривожлантириш учун ҳормай-толмай меҳнат қиляптилар. Биз сўзимизнинг устидан чиқамиз. Социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплаймиз ва пахта йиғим-теримини пухта ҳозирлик билан кутиб оламиз.

Абдурахмон НИЁЗОВ,
Сурхондарё область Денов районидаги «Ғалаба» колхози раиси.

МЎЛ-КЎЛ ДОН УЧУН

Республика областлари ва Қорақалпоғистон АССРда маккажўхорини донга ўриш ва маккажўхори дони тайёрлаш топшириғининг бажарилиши тўғрисида шу йил 28 августга бўлган МАЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган дон; учинчи устун — мавсум бошидан бери; тўртинчи устун — бир кунда ўрилган майдон; бешинчи устун — мавсум бошидан бери.

ҚАШҚАДАРЁ	4,1	110,9	2,9	79,7
ТОШКЕНТ	4,8	101,5	3,8	64,6
Андижон	5,7	94,0	3,2	85,5
Сурхондарё	6,3	93,4	2,8	78,8
Бухоро	2,9	65,7	2,2	59,6
Фарғона	5,3	63,7	2,7	50,7
Сирдарё	8,0	62,1	4,0	55,3
Наманган	2,0	46,8	1,1	45,2
Жиззах	5,6	28,6	2,1	39,3
Самарқанд	1,8	5,2	1,5	10,8
ҚҚ АССР	—	3,7	0,7	2,7
Хоразм	—	—	1,0	6,1
Республика бўйича:	4,1	57,8	2,4	47,3

Кузги дон экишда ҳар бир дақиқа ғанимат

КУБАННИНГ КУЗГИ ҒАЛЛА ЭКИЛАДИГАН ДАЛАСИ

Ҳозир Кубань даштларида ер ҳайдовчилар хўжайинлик қилмоқдалар. Массивларда тракторлар тўхтовсиз гуруллайди, плуглар тинмай ишлайди. Бугунги кунга қадар бир миллион гектар ҳайдаладиган ер кузги ғалла экинларини экишга тахт қилиб қўйилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасидан илҳомланган ҳайдовчилар машиналарининг экипажлари силос бостириладиган ва кўклигида бериладиган маккажўхори эндигина йиғиштириб олинган участкаларни кузги ғалла экишга кечасию-кундузи тайёрламоқдалар. Кунига 25 минг гектар майдон экишга тахт қилиб қўйилмоқда.

«Кушчевский» совхозининг тракторчилари Н. В. Миничихин билан Н. И. Ботнарь Кушчевский районидаги ер ҳайдовчилар орасида пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Улар «К-700» маркали бақувват тракторларда ишлаб ҳозирнинг ўзидаёқ минг гектардан ортиқроқ ерни кузги ғалла экишга тахт қилиб қўйдилар. Усть-Лабинский районидаги Тимирязев номли колхозда механизатор Н. П. Иванов юксак иш унумига эришди. 500 гектардан ортиқроқ майдонни экишга тайёрлаб берди.

Ҳозир ҳайдов тракторлари жавлон ураётган даштда сентябрь ойининг биринчи ярмидаёқ ҳамма жойда кузги ғалла экинларини экиш авж олдириб юборилади.

Кубаннинг кузги дон экиладиган даласи бу йил қандай бўлади? Ҳар бир колхоз ва совхозда кузги ғалла майдонини кенгайтиришнинг қўшимча имкониятлари астойдил қидирилмоқда. Магистрал йўлларнинг ёқасидаги ерлар, экин экилмай қўйилган участкалар ҳисобга олинмоқда, алмашлаб экишга оқилона тузатишлар киритилмоқда. Хуллас, «резервдан» олинган ҳар бир гектар маҳсулдор ер ғаллазор бўлиши керак.

Бу йил кузда қарийб икки миллион гектар майдон Кубань ғаллазори бўлиб қолади. Шундан бир ярим миллиондан ортиқроқ гектар майдон кузги ғаллазорни ташкил этади. Ўтган йилларнинг тажрибасидан фойдаланиб 900 минг гектар майдонга «Безостая-1» буғдой навини экиш мўлжалланмоқда. Ўлкамизнинг шимоли-шарқидаги далалар «Краснодарская-39», «Краснодарская-46» кузги буғдойнинг янги навларини экишга ажратилади. Дон дашти билан қўшни бўлган энг шимолий массивларда «Донская-Остистая» буғдойи экилади. Буғдойнинг ана шу нави бу ернинг шароитларида галладан юқори ҳосил беради.

Олим-мутахассисларнинг фикрича, буғдой навларининг бундай жойлаштирилиши ғалла етиштиришни анчагина кўпайтириш имкониятини беради. Хўжаликлар таркибида клейкобинлар кўп процентни ташкил этган сифатли ғалла олиш учун 200 минг тоннадан зиёдроқ минерал ўғит ғамлаб қўйдилар. 400 минг гектар майдонга экишдан олдин уруғлик «тур» доривори билан дориланади.

Экин экиладиган жойларда ҳозир кузги уруғлик ғалла ташиб келтирилмоқда. Хўжаликлар бугунга қадар 90 процент уруғлик билан таъминланган. Энг сара уруғлар тупроққа минерал ўғит солиш билан биргаликда илмий жиҳатдан асосланган муддатларда экилади. Деҳқонлар бу йилги кузда ғаллани 10-15 иш кунида экиб бўлишни мўлжалламоқдалар.

Қарийб 40 мингта трактор ва 15 мингта сеялка экишга тахт қилиб қўйилди. Ҳозир техниканинг ҳаммаси бригадалар ва бўлимларнинг дала шийпонларига олиб келинмоқда.

Кубанда мамоқалдироқ кетидан илиқ ёмғир ёғиб турибди. Бўлгуси ғаллага кучмадор бериш ва уни ўстириш учун замин нам тўпламоқда. Дашт экиш миришкорларини кутмоқда.

В. КАЛИШЕВСКИЙ,
ТАСС мухбири.
Краснодар.

РАҲБАР ВА БУРЧ

Хатлар, аризалар. Уларнинг ҳар бири асосида меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазалари, талаб ва эҳтиёжлари, муҳим социал-маданий ва иқтисодий масалалар ётади. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг почтасига ҳар куни ўнлаб хатлар тушиб турибди. Улар орасида турли руҳдаги аризалар, илтимосномалар, шикоятлар бор.

Меҳнаткашларнинг ариза ва хатлари министрликлар, идоралар раҳбарларини ўмма билан боғлайдиган, халқ ҳаётини, турмушини, ҳалжонини билишга ёрдам берадиган воситадир.

Албатта, хозирча меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларининг ҳаммасини ижобий ҳал этишга бизнинг қурбимиз етмайди. Меҳнаткашларнинг барча моддий ва маънавий талабларини қондириш учун реал имкониятга эга эмасмиз. Чунончи, уй-жой қурилишининг энг юксак кўрсаткичларига қарамасдан ҳар бир оилани обод квартира билан таъминлашнинг ложи йўқ. Шунинг учун буни шикоятчиларга яхшилаб тушунтириш лозим. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига тушаётган ариза ва хатлар КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 29 августда қабул қилган меҳнаткашлар хатларини кўриб чиқиш ва меҳнаткашларни қабул қилишни ташкил этиш тўғрисидаги қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг 1968 йил 12 апрелдаги гражданлар таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Фармони талаблари асосида кўриб чиқилмоқда ва ҳал этилмоқда.

Ўтган йили гражданлардан тушган 298 та хатнинг 29 таси Министрлар Совети ишлар бошқармаси аппаратида текшириб кўрилди ва ҳал этилди. 19 та хат эса контролга олинди. Шундай қилиб, меҳнаткашларнинг контролга олинган хатлари ва Министрлар Совети аппаратида ҳал этилган хатлар 16,1 процентни ташкил этди.

Умуман, совет ташкилотларида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ариза ва шикоятларни белгиланган муддатда ҳал қилиш, халқ хўжалигидаги хато ва камчиликларни тугатиш, уларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда. Тўрткўл, Беруний, Хўжайли, Ленинобод, Нукус шаҳар ижроия комитетларида меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бироқ, ҳамма ерда аҳвол бирдай эмас. С. Маҳкамов раислик қилаётган Кўнғирот, Б. Қурбонов раислик қилаётган Амударё, Б. Абибуллаева раислик қилаётган Чимбой район Совети ижроия комитетларида бу иш яхши уюштирилган эмас. Шунингдек, айрим министрликлар, ижроия комитетлар, баъзи идоралар, гражданлардан тушган ариза ва шикоятларни яхши контроль қилмаётирлар. Улар меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазалари, ариза ва илтимосномаларини ўз вақтида кўриб чиқмасдан, юзакичиликка йўл қўймоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз ёши ўтиб қолган гражданларга, Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат инвалидларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Яқинда Хўжайли шаҳар ижроия комитетига биринчи группа инвалиди М. Ешмонов квартира тўғрисида ариза берди. Унинг бу аризаси ижобий ҳал этилди.

Ўтган йили Н. И. Вдовенко Мўйноқ шаҳрини ва Автоном Республиканинг бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш тўғрисида ариза ёзди. Унинг бу таклифи маъқулланди. Ҳозирги кунда Мўйноқни ободонлаштириш учун катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш соҳасида Автоном Республикада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили овул ва посёлка Советлари раислари, район ижроия комитетлари секретарлари, умумий бўлим бошлиқлари, министрликлар ва идораларнинг инспекторлари иштирокида бир кунлик семинар ташкил этилди. Семинарларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ҳал этиш, маҳаллий Советларда оммавий-ташкилий ишларни яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Меҳнаткашлар хатлари билан ишлашнинг ленинча принциплари коммунистик партия XXV съезди қарорларида янада ривожлантирилди ва бойитилди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорида, меҳнаткашлар хатлари — бошқаришнинг энг муҳим формаси, партия ва халқ алоқаси кенгаётганлигининг далили, давлат ишларини бошқаришда аҳоли иштирокини таъминловчи восита, мамлакат ҳаёти ҳақида маълумот берувчи манба эканлиги кўрсатиб ўтилди. Партиямиз меҳнаткашлар хатлари билан ишлашда ленинча принципларга қатъий амал қилмоқда.

Совет ва хўжалик органлари меҳнаткашлар хатлари билан ишлашда ленинча принципларни амалга ошира бориб, гражданларнинг хатларини кўриб чиқишни ташкил этишнинг қандай бажарилаётганлигини кузатиб боряптилар. Уларнинг ҳал этилиши устидан назорат ўрнатмоқдалар. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг сессия ва мажлисларида бу муҳим масала муҳокама этиляпти. Меҳнаткашлардан тушаётган хатлар мунтазам ўрганиб борилмоқда. Улар таҳлил қилиниб, олдимизда турган вазифалар белгилаб олинмоқда.

Кўпгина министрликлар, идоралар, район, шаҳар ижроия комитетларида меҳнаткашларни қабул қилиш яхши йўлга қўйилган. Лекин совет ташкилотларининг баъзи раҳбарлари гражданларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан муносабатда бўлмаётирлар. Бу эса уларнинг юқори ташкилотларга қайта ариза ёзишларига сабаб бўлмоқда. Масалан, Хўжайли шаҳар ижроия комитетининг айби билан гражданка Т. Примбетова узоқ вақт квартира ололмади. Министрлар Советининг раҳбарлари топшириғи бўйича ишлар бўлимининг ходимлари шикоятни жойига бориб текширдилар ва гражданка Т. Примбетова ҳақиқатдан ҳам уй-жойга муҳтожлигини аниқладилар. Министрлар Совети аралашгандан сўнг унга уй-жой ажратиб берилди.

Министрлар Совети ходимлари, шаҳар, район Советлари ижроия комитетларида, министрликлар ва идораларда ариза ва шикоятларни ҳал этиш устидан доимий назорат ўрнатганлар. Ташкилий бўлим бу ҳақда тўлиқ маълумот бериб бормоқда.

Ўтган йили ташкилий бўлим ходимлари Беруний, Ленинобод район ижроия комитетларида ва савдо, ички ишлар министрликларида ҳамда уларга бўйсинувчи идораларда, муассасаларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишнинг аҳволини текширдилар. Бу масала Министрлар Советининг мажлисида ҳам муҳокама этилди. Бу соҳадаги нуқсонлар очиб ташланди ҳамда уларни тугатиш бўйича чора ва тадбирлар белгиланди.

Социалистик тузум шароитида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг бутун фаолияти меҳнаткашлар манфаатларига қаратилган.

Ҳар бир хат асосида жонли инсон тақдири, унинг талаб ва эҳтиёжлари, орзу-умидлари ётишини бир дақиқа ҳам унутиш мумкин эмас. Уни ўз вақтида тўғри ҳал этиш ҳар бир совет ходимининг, ҳар бир раҳбар ходимнинг масъулиятли бурчидир. Меҳнаткашларни қабул қилишда алоҳида сезгирлик кўрсатиш даркор. Чунки, ҳар бир соҳада эришаётган ютуқларимизнинг ижодкори бунёдкор ва меҳнаткаш совет кишисидир. Шунинг учун ҳам унинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш келгусида олға қадам босишимизнинг гаровидир.

Е. АИТМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси.

Фарғона гидрогеология экспедициясининг аъзолари Жанубий Фарғонадаги ўзлаштирилмаган ерларни оби ҳаёт — сув билан таъминлаш учун катта ҳажмда ишлар олиб боришди. Суратда 4-отряднинг энг илғор пармаловчиларидан (чапдан ўнгга) В. Абдураҳмонов, И. Фармонқулов ва Т. Муродов ўртоқлар.

В. Николаев фотоси. (ЎзТАГ).

ОЙ ЖИНСИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИНГ ҚЎЛИДА

«Луна-24» станцияси келтирган Ой жинси катта илмий аҳамиятга эга. Ҳар қандай вазндаги кристал жинснинг одатдаги намунаси бир нуқтадаги Ой тузилишининг хусусиятларини кўрсатади, қумоқ, донадор жинс: — реголид намунасида эса юзлаб индивидуал зарралар борки, буларнинг ҳар бири мустақил ўрганишга сазовордир. Юзлаб намуналар Ой пўстлоғи минглаб квадрат километрнинг тузилишини кўрсатади. Чунки шу зарралар турли жойлардаги метеоридларнинг зарбли портлашлари натижасида Ой пўстлоғига қўшилган бўлади. Ойда пармаланган қудуқ чуқурлиги бўйлаб жинс намуналарининг тақсимланиши Ойнинг миллиард-миллиард йиллик тарихидаги воқеалар изчиллигини акс эттиради.

Жинсни минглаб ва юз минглаб марта катталаштирувчи электрон микроскоплар ҳамда кимёвий анализ методлари ёрдами билан замонавий ўрганиш усуллари ҳар бир заррани муфассал ўрганиб чиқишга имкон беради. Бир қанча кимёвий анализлар тадқиқ этилувчи моддадан ҳеч бир сарфланмай ўтказилади.

Кризислар денгизи — ёш, чоғроқ, лекин аниқ қиёфаланган думалоқ денгиз бўлиб тобоғи Ой юзининг ўртача даражасидан тўрт беш километр чуқурлашади ва «маскон» (масса концентрацияси) деб аталувчи анча концентрациялашган вазмин моддага эга.

Кавланган узун Ой жинси — Ой ҳаётидаги воқеаларнинг ўзига хос йилномасидир. Йилноманинг «саҳифалари» қатлам-қатлам бўлиб турибди.

1-5 миллиметр ва ундан каттароқ анчагина зарралар кўриниб турибди. Энди қазиб келтирилган шу узун Ой жинси яхлит турғани ҳолда муфассал кўриб чиқилади, фотосуратга олинади ва оптик характеристикалари ўрганилади. Мана шу ишлар тугаганидан кейингина жинс айрим участкаларини ажратиб олиб ўрганишга киришиш мумкин бўлади.

К. П. ФЛОРЕНСКИЙ,
СССР Фанлар академияси В. И. Вернадский номли геохимия ва аналитик химия институти лабораториясининг мудири.
(ТАСС).

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

АРДОҚ

Бизнинг жамиятимизда ўғил-қизлар ардоқда. Улар учун ҳамма нарса муҳайё. Ўқув йили туғаш арафасида рўй берган зилзила Газлидаги кўпгина иморатларга путур етказди. Лекин ҳеч ким бошпанасиз қолмади. Ҳатто мактабларда ҳам ўқув машғулотлари тўхтамади. Ўқув йили муваффақиятли тугади.

Ўшандан буён саноқли ойлар ўтди. Бу давр ичида Газли шаҳрининг болалари санаторий ва лагерларда мириқиб дам олдилар. Янги ўқув йилига янги куч билан бардам, хушчақчақ келдилар. Янги Газлини долзарб суръатлар билан барпо этаётган бутун мамлакатимиз бинокорларининг вақиллари қилган ишлар ҳайрон қоларли. Ўқувчилар учун ҳамма шароит яратиб қўйилган.

Қурилиш ташкилотлари мактаб биноларини тиклашга алоҳида ғайрат билан киришдилар. Алоҳида бригадалар ташкил этилиб, уларга мактаб биноларини тез ва соз тиклаб бериш мажбурияти юкланди. Мактаб биноларини қурилиши газчилар ва геологлар шаҳрида барпо этилган биринчи даражали объектлар рўйхатига киритилди. Бригадалар тез суръатлар билан ишлаб, иккита янги мактаб биносини қисқа муддатларда қуриб бердилар. Мактабларни пардозлаш, жиҳозлаш ишлари оз фурсатда тугалланди. Янгидан тикланган мактаб биноларининг ҳар бирида 24 тадан синфхоналари бўлиб, махсус ўқув кабинетларига ҳам эга. Улар тўла жиҳозланиб, ўқув машғулотларини ўтказишга тайёр қилиб қўйилди.

Газли болалари ҳам мамлакатимиздаги барча ўғил-қизлар сингари ардоқда. Улар зилзила оқибатлари мутлақо қисқа муддатларда тугатилаётганлигидан мамнун. Бухоро областининг бошқа мактаблари ҳам янги ўқув йилини муваффақиятли бошлашга тайёр қилиб қўйилди.

БУГУН—ШАХТЁРЛАР КУНИ

ЭЛДА АЗИЗ КОНЧИЛАР

Қуёш Қурама тизма тоғлари ортидан мўралаб, дарахтларнинг баргида, баланд иморатларнинг томларида жилва қила бошлади. Кейин у кўмир разрези устидаги юпқа туманни тарқатиб шахта ҳовлисига заррин нурларини тўкди. Бу пайт 9-шахта конларидан учинчи сменада ишлаган кишилар юқорига чиқиб келишарди. Улар ўрнига шахтага тушадиганлар эса смена олдидан сўнгги кўрсатмаларни тинглашарди. Булар — тўртинчи участкаларнинг Ғафур Менглиев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари. Шахтада бу коллектив билан фахрланишади, уларнинг ишини ҳаммага ибрат қилиб кўрсатишади.

— Ҳадемай, анъанавий байрамимиз, — деди участка бошлиғи Виктор Седих, — қандай кутиб олмоқчисизлар?

— Планни ошириб бажариш билан, — жавоб берди ўртоқлари номидан бригадир.

Мамнун бўлган бошлиқ кончилар эътиборини яна қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш, кам куч сарфлаб кўпроқ кўмир қазишга, айниқса, техника хавфсизлигига қатъий риоя қилишга қаратди.

Ғафур Менглиев бригадаси — кўп миллатли коллектив. Унда ўзбеклардан Қаҳҳор Қўшвоқов, Маҳкам Парпиев, Бобоназар Йўлдошев, рус Анатолий Сирачев, тожик Бўрибой Имоматов, қозоқ Дўсбой Омаров, татар Айдар Гилёсов, хуллас, ўн беш киши бор. Бу — уларнинг дўстлигини, жиноятчилигини, ишчанлигини янада мустаҳкамлаётган. Бир оила фарзандларидай ахил.

Биз ҳар бир илғор коллективнинг юксак унумдорлик билан ишлашини таъминловчи қандайдир ўзига хос сирини қидиришга одат қилганмиз. Шу тўғрида Ғафурдан сўраган эдим, у бир пас ўйлаб турди-да:

— Очиғи, ҳеч қандай «сир»имиз йўқ, — жавоб қилди у. — Лекин биз вақтни беҳуда кетказмасликка интиламиз.

Мана шу қисқагина жумлада катта маъно бор. Мен буни Менглиев кончилари ер остига тушишга тайёргарлик кўришаётганда тушундим.

Шахтёрлар наряддан сўнг узоқ ушланиб қолишни хушламайдилар. Улар тезда жомакорларини кийиб, шахтёрлик жиҳозларини олиб ер остига тушишади.

Бу гал бригадир бир оз тўхтаб қолди:

— Кетаверинглар, етиб оламан.

Биз Ғафур билан турли мавзуларда суҳбатлашдик. Ундан:

— Шахтёрлик ёқадими? Ер остида ўзингизни қандай ҳис қиласиз? — деб сўрадим.

Ғафур биринчи саволга жиддий қилиб:

— Ёққанда қандай? — деди ва қўшиб қўйди. — Одамларимизга қаранг, жасур, фидокор кишилар. Улар билан тоғни қўпориш мумкин.

Ғафур ер қатламларининг бор «хулқини» тўла-тўкис ўрганиб олган сал «инжиқлик» қилдими, дарров жиловлаб қўяди.

— Доим шундай бўлганми?

— Бе, қаёқда, — кулди бригада бошлиғи. — Фабрика-завод ўқув юрти мастери билан биринчи марта шахтага тушганим ҳали-ҳали эсимда. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Қаердадир алланарса қирсиллагандай бўлди. Ваҳима босиб тўхтаб қолдик. Мастер юраксизлик қилаётганлигимизни кўриб:

— Йигитлар, шахта қўрқоқларни ёмон кўради, — деди. Кейин далда берди:

— Ҳеч қиси йўқ. Ҳамма ҳам дастлаб шундай бўлади. Ўрганиб кетасизлар.

Ўшандан бери ўттиз йил ўтди. Бу вақт ичида одамлар ҳаётида, шахтада катта ўзгаришлар юз берди. Ҳозир кўмир ташийдиган вагонеткалардан асар ҳам йўқ. Уларнинг ўрнини қазиб олинган «қора олтин»ни елкасида ер юзига чиқариб беоғадиган транспортёр лекталари эгаллади. Янги техника, автоматика пайдо бўлди. Техника хавфсизлиги масалаларига жиддий эътибор берилади ган бўлди.

Мана, ўн саккиз йилдирки, Ғафур Менглиев бригадир. У бошлиқ коллектив шундан бери ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларни қўлга киритиб келмоқда. Бу йил бригада аъзолари йиллик топшириққа қўшимча 10000 тонна кўмир қазиш, ўнинчи беш йиллик планни барвақт ўринлатиш мажбуриятини олишган. Коллективнинг сўзи билан иши бир. Бригада ҳозирнинг ўзидаёқ пландан ташқари олти минг тонна кўмир қазиб олиб, истеъмолчиларга жўнатди. Бу — корхонада тез тўкаётган барча бригадалар ичидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Эҳтимол Ғафур Менглиев бригадасининг омади келиб, унга энг қулай кон тушиб қолгандир? Ҳеч-да! Участка бошлиғининг айтишича бригада аъзолари геологик жиҳатдан шахтадаги энг оғир участкада ишлашяпти. Гап шундаки, бригада аъзолари ҳозир кўмир қазиб олинаётган жой илгари ишлатилган бўлиб, бу лавага қўшимча босимни келтириб чиқаряпти. Демак, ҳар ойда тахминан етмиш процент кўмир қазиб олинадиган жойни мустаҳкамлаб бориш керак, акс ҳолда устунлар кўтаролмай қолади. Табиий, бу ҳол кончилардан қўшимча вақт ва маблағни талаб қилади.

...Бригадир айтган «сир» — вақтни иқтисод қилиш шу ерда иш беряпти. Аввало, бригада аъзоларининг аксарияти ўн йил ва ундан ортиқроқ вақтдан бери ишлаётган кишилар бўлиб, уларни керакли жойларга тақсимлаш осон. Ғафур Менглиевнинг бригада аъзоларига бажарадиган вазифаларни тушунтириб ўтиришига кўп вақт кетмайди.

Бригада аъзоларининг ҳар бири уч-тўрттадан турдош касбни пухта эгаллаб олган. Мабодо, айтайлик, транспортер лентасининг бирон жойида ишкал чиқиб қолса, аввалгидек, навбатчи слесарни ахтариб юришга ҳожат йўқ. Ишкални тузатиш бригададаги ҳар бир кончининг қўлидан келади.

Маълумки, кончилир портлатиш ишлари учун шнурларни кўчиб тушган кўмирларнинг асосий қисми тўппа-тўғри рештак деган мосламага тушишига мўлжаллаб жойлаштирадилар. Илгари шахтада энг мураккаб жараён рештакларни кўчириш ҳисобланиб, унга 2-3 смена вақт кетарди. Ғафур Менглиев бригадасида мазкур жараённи 2-2,5 соатда ado этиш ўрганиб олинди. Мана, вақтни иқтисод қилишнинг намунаси!

Менглиевчилар кўмир қазиб олинадиган лавада ажойиб тартиб ўрнатганлар. Устунлар жой-жойига тахланган. Демак, кончилар ортиқча ҳаракат қилишмайди. Устунлар шундоққина ёнгиналарида туради.

— Бу бригадада прогул қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш, техника хавфсизлигига риоя қилмаслик ҳолларига бутунлай чек қўйилган, — дейди фахр билан участка бошлиғи В. Седих.

Коллектив муваффақиятларида, шубҳасиз, бригада бошлиғининг катта улуши бор. У турли ёшдаги, турли характердаги одамларни жипслаштиради, бажаришни мумкин эмасдай кўринган топшириқларни ҳам уддалашга руҳлантиради. Бу ўринда Менглиевнинг фикрича, шахсий ибрат асосий роль ўйнайди. Бригадир вазифани қойиллатиб бажариб тургандан кейин қўл остидагилар ундан орқада қолгилари келмайди-да! Кончилар бригада бошлиғининг кўринишдан хотиржам бўлса-да, бийрўқни икки марта қайтаришни ёмон кўришини яхши билишади.

Кончилар «Шахтёрлар куни»ни муносиб кутиб олишди. Смена топшириқларини ошириб бажараётган бригада аъзолари пландаги 200 тонна ўрнига 230—250 тоннадан ёқилғи қазиб олишяпти. Улар А. Фозилов бошлиқ бригада билан социалистик мусобақада ғолиб.

Меҳнат қилган—элда азиз. Ватан Ғафур Менглиев фаолиятини юксак тақдирлаб, Ленин ордени билан мукофотлади. Унинг кўксида, шунингдек, «III даражали шахтёрлик шуҳрати», «Сифатли кўмир учун» нишонлари порлаб турибди.

А. КОСТИЧЕВ.

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

Ливандаги тараққийпарвар кучлар — қўллаб-қувватланмоқда

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитетининг баёнотини қизғин маъқуллашмоқдалар.

Кўприк темир-бетон конструкциялари эксперименталь заводи коллективининг митингида арматурачилар бригадасининг бошлиғи Н. Ф. Толстиков сўзга чиқиб, бундай деди:

— Бу ҳужжатда барча совет кишиларининг фикри-зикри ва ҳис-туйғулари ифодаланган. Реакциячилар минг-минглаб фаластинлик ва ливанлик ватанпарварларга ваҳшиёна азоб бераётганликлари, реакция Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатига ва Ливан миллий ватанпарвар кучларига қарши уруш ҳаракатларини яна кучайтираётганлиги ҳаммамизни ғоят ғазаблантирди. Якин Шарқда уруш оловини ёқишга уринаётган империалистларга: Ливандан қўлингни тort! — деймиз. Тинчликни ва халқлар бахт-саодатини қадрловчи яхши ниятли ҳамма кишилар ўз куч-ғайратларини бирлаштириб, ана шу мамлакатда қон тўкилишининг тўхатилишига ва можаронинг сиёсий йўл билан бартараф этилишига эришишлари лозим.

Митинг бригадир В. И. Боробченко ва бошқа ишчилар сўзга чиқдилар. Улар Исроилнинг ва уни қўллаб-қувватлаётган империалистик кучларнинг Ливандаги ишлари жинояткорона эралашаётганликларини қатъиян қоралаб, Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати ва Ливан тараққийпарвар ватанпарвар кучларнинг позицияларига путур етказишга қаратилган империалистик фитнанинг хатарли характерини кўрсатиб ўтдилар.

Керхона коллективи қабул қилинган резолюцияда Ливандаги прогрессив кучларнинг ҳаракатлари билан бирдам эканликларини билдиради.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

АНДИЖОН, 27 август. (ЎзТАГ). Бугун меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Советининг сессияси бўлди. Депутатлар область ижроия комитетининг раиси Ж. Ҳасановнинг уруш инвалидлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига ғамхўрликни кучайтириш ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар.

Сессияда областда социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масаласи ҳам қараб чиқилди, область совети мудофаа-физкультура ишлари доимий комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

РАЙКОМ ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

МОСКВА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПАХТАЧИЛИКДА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ СУРЪАТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

Коммунистик жамиятнинг олий босқичига ўтиш учун доҳий В. И. Ленин кўрсатмасига мувофиқ ишлаб чиқарувчи кучларни фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари асосида ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш талаб этилади.

«Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездига Ҳисобот докладида, — биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда». Бу эса коммунистик қурилишда ҳозирги фан-техника революциясининг муваффақиятларидан кенг қўламда фойдаланишни тақозо этмоқда.

Юксак техника барпо қилиш, электрлаштириш, химиялаштириш, ирригация ва мелиорациялаш, шунингдек, деҳқончилик маданиятини яхшилаш ернинг ҳосилдорлигини кескин даражада оширишга олиб келмоқда. Буни биз Москва район партия комитети ва унинг бюроси фаолиятида кўришимиз мумкин. Район меҳнаткашлари 1975 йили пахта тайёрлаш йиллик планини областдэ биринчилар қаторида бажардилар. Районда 19 минг 220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,1 центнердан ҳосил қўтарилди. Ова-Ватанга 60 минг 800 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу, 1973 йилдагига нисбатан 6 минг тонна кўпдир. Райондаги хўжаликларнинг ҳаммаси йиллик пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажарди. «Правда Востока», Киров номли, «Қизил юлдуз», «Коммунизм», «Ленинград» колхозларида 34,3—38 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

Кейинги йилларда район партия комитети ва унинг бюроси қишлоқ хўжалигида техника тараққиётининг асосий звеноси — комплекс механизацияга алоҳида эътибор бермоқда. Район хўжаликларида илғор техникани жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш соҳасида кейинги йилларда жуда катта сифат ва миқдор ўзгаришлари юз берди. Сўнгги икки йил ичида колхозларнинг трактор парки қуввати 13,5 процент кўпайиб 66.375 от кучига етказилди. Шу давр ичида район колхозлари 3 миллион 989 минг сўмлик янги маркадаги трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари олди.

Кейинги йилларда районда дала ишлари комплекс механизациялашмоқда. Механизация ёрдамида ер ҳайдаш, чигит экиш, эгат олиш, ўғит солиш, ғўнг сепиш, шўр ювиш, марза олиш, сўнгра уни текислаш, бороналаш, чизеллаш, культивация қилиш, ҳашаротга қарши дори сепиш ишлари янада яхшиланди. Культивация ўтказиш эса қўл меҳнатини енгиллаштирибгина қолмасдан, шу билан бирга ғўзанинг ўсиш ва ривожланишини янада тезлатмоқда, иссиқлик, ҳаво ва намдан баҳра олишга, мўл ҳосил тўплаш ва тез етилишига қулай имконият яратилмоқда. Энг муҳими — пахтани машиналар билан териш, кўсак узиш, чувиш, тўкилган пахтани териш, ғўзапоя юлиш каби ишлар механизация воситасида бажарилиши катта иқтисодий фойда келтирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик механизаторларининг энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, машиналарнинг техникавий имкониятларидан унумли фойдаланиш йўлидаги ҳаракати тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1971 йилдаги «Пахтачиликда техника тараққиётини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида»ги қарорининг амалга оширилиши катта самара берди. Райком бу қарорлар асосида пахтачиликка комплекс механизацияни кенг жорий этишга эришди. Жумладан, қўл меҳнати турлари ва унинг ҳажми кескин қисқарди. Кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда пахтадан мўл ҳосил олиняпти. 1971 йилда районда етиштирилган ҳосилнинг 34 процента машина билан терилиб олинган бўлса, ўтган йили бу рақам 45 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди.

Ўтган йили КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ёш механизаторлари съезди ишларининг қатнашчиларига мактуб йўллади, унда бундай дейилади: «Қишлоқ хўжалиги олдида катта вазифалар турибди. Бу соҳани интенсивлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билангина таъминланмоқда. Бу техникадан ғоят самарали фойдаланиш учун чуқур билимларни эгаллаган малакали механизатор кадрлар керак». Райком ўз бюро мажлисида бу мактубни ишлаб чиқди ва кенг тадбирлар белгиланди. Унга кўра, кўплаб механизаторлар тайёрлаш курслари очишга эришилди, 1486 нафар механизатор етишиб чиқди.

Кейинги йилларда «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий этишда бирмунча ишларни амалга оширди. Жумладан, бирлашма район хўжаликларига техника хизматини яхшилади, ерларни текислаш ишлари соҳасидаги вазифаларни самарали бажарди.

Райком қишлоқ хўжалигида техника тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири — химиялаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу соҳада мўъжизакор химия қишлоқ хўжалигининг порлоқ истиқболига кенг йўл очиб берди. Масалан, 1973—74 йиллари район хўжаликлари бир тонна пахта етиштириш учун 62 килограммдан азот сарфлади. Ўтган йили сарфланган ҳар бир килограмм азот ҳисобига 20 килограммдан ортиқ «оқ олтин» йиғиб олинди.

Техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий этишда райком бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик фаолиятини тинмай оширмоқда, Пленум ва партия активи йиғилишидан кейин райкомда коммунистлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар дарҳол таҳлил этилади. Бу таклиф ва мулоҳазаларни амалга оширишга қаратилган режалар белгиланади. Колхоз партия ташкилотлари ҳам худди шундай қилмоқда. Бир мисол: Киров номли колхоз коммунистлари умумий йиғилишда техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга яхши жорий этилмаётганлиги, бу пахта ҳосилдорлиги пастлигига сабаб бўлганлигини очиб ташлашди ҳамда ҳосилдорликни кескин ошириш юзасидан аниқ таклифлар киритишди. Ана шу таклифларни амалга ошириш туфайли колхоз ўтган йили ҳар гектар ердан 36,3 центнердан ҳосил етиштирди.

Район партия комитети ва унинг бюроси техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий этишда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйишда анчагина ишларни амалга оширмоқда. Мутахассис кадрлар-техника тараққиётининг ташкилотчиларидир. Ўтган йили шу масала юзасидан ўн бир хўжалик раҳбари, 17 бошланғич партия ташкилотининг секретари, етти мутахассис райком бюросида ҳисобот берди. Уч юздан ортиқ мутахассис коммунистнинг ҳисоботи партия йиғилишларида эшитилди.

Таннарх, меҳнат унумдорлиги, капитал сарфларнинг самараси техника тараққиёти йўналишининг тўғрилигини белгилаб берадиган компасдир. Шунинг учун район партия комитети техника тараққиётининг самараси учун тинмай кураш олиб бормоқда. «Октябрь» колхози илгари қолоқ хўжаликлардан эди. Кейинги йилларда техника тараққиёти ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида ажойиб муваффақиятларга эришди. Оз куч ва маблағ сарфлаб, кўп ва арзон пахта етиштирилди. Меҳнат унумдорлиги 2,5 баравар ўсди. Колхоз 1959 йилда пахтачиликдан 755 минг сўм даромад олган бўлса, ўтган йили 3 миллион сўмга яқин даромад олди.

Шундай қилиб, район колхозларида фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш меҳнат унумдорлигини ўстиришга, колхозчиларнинг турмуш даражасини оширишга олиб келмоқда.

— Бу йил, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Насибжон Турсунов, — район меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг XXV съезди қарорларига жавобан давлатга 65 минг тонна пахта, 9 минг тонна дон, 2260 тонна гўшт, 1700 минг дона тухум, 8060 тонна сут, 3148 тонна сабзавот ва картошка, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш мажбуриятини олганлар. Райком бошланғич ташкилотлар ва коммунистларнинг жанговарлик фаолиятини партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни олинган мажбуриятларни шараф билан бажаришга қаратмоқда.

А. РАҲИМОВ,
тарих фанлари кандидати.

ОЛТИН СОЧГАН КУЗ

ОЧЕРК

Сумбула кирди, сув тинди. Қуёш шаштидан қайтди, ҳарорат пасайди. Табиат оламида куз ўз ўрнини эгаллади, шабнам тушиб, майин шабада эса бошлади. Лекин тупроқ тафти ҳамон баланд, ёз ойлари, саратон кунлари қуёш ёғдусига қонган она-ер яллиғланиб турибди. Эгатларга қирқ кокилдек таралган сув ҳансираган тупроқ чанкоғини босиб, шохларига маржон-маржон ҳосил сирғалари таққан ғўзаларни яшнатяпти, кўсакларни юпқа пўст қилиб, мағизи — толасини тўлдираяпти, салмоғини ошираяпти. Баайни табиат сеҳрийлик билан пахтакор деҳқонлар буюртмасини бажараётгандай туюлади.

Ҳа, шундай. Йилнинг ҳар фасли ўз хосияти ва мўъжизасига эга. Сумбула сувн гирёнларга урилмай осойишта оқяпти, эгатларда жилдираб оқиб, ғўзаларга ёқяпти. Тупроқ қатлами ҳароратининг ҳам нафи катта. Ғўзаларда тонг-отар палла кунгабоқардек кунчиқарга мойиллик сезилади, кечқурун қуёш нурларига эрташиб, кунботарга эгилади, тунда эса кўкка бўй чўзса-да, тупроқ қатламидаги ҳароратга қонади. Майин шабада ғўзаларга урилиб, кокилларини силаяпти, барглариии тебратиб, ҳосил нишоналарини қитиқлаяпти. Кўсакларнинг паб очиб кулиши, бағридаги дурдоналарни кўз-кўз қилиши шундан бўлса ажаб эмас. Хулпас, изли-қутли келаётган олтин куз пахтакор деҳқонлик хизматида бўлиб, унумдор далаларга «ок олтин» сочяпти.

Воисёз ака уйқудан уйғонганда ғира-шира қоронғи эди. Тонг еллари унинг чала ором олган кўзларидаги уйқуни ўчирди. Арикда оқаётган зилол сувда юз-қўлини ювган Воисёз ака дала шийпонидан бошланган ёлғизоёк йўл бўйлаб, пахтазор томон юрди Олисда елкандек сузиб бораётган трактор овозини эшитиб сергакланди.

— Ҳорманг, ёшулли, — гап қотди механизатор Рўзибойга.

— Саломат бўлинг.

— «Қора йўрға»га барвақт қамчи босибсиз-да.

— Шундай қилмасам бўлмади, ёшулли. Мусобақадошим Жуманиёз кам уйқи чиқиб қолди. Бугун ҳам мендан олдин иш бошлабди, азамат. Қаттиқ беллашяпти, мусобақада ютқазиб қўймасам деб қўрқаман.

— Полвон майдонга ютамэн, деб тушади.

— Шундайку-я, лекин уям бўш келадиган хилиданг ўхшамайди. Майли, беллашиб кўрамиз. Тарози қурилишига оз қолди-ю.

Воисёз ака пайкалнинг нарғи бошида тебраниб бораётган тракторга кўз ташлаб, мийиғида кулиб қўйди. Уни механизатор Жуманиёз Ҳамроев бошқариб бораётган эди.

У Рўзибой билан ёнма-ён туриб, тракторнинг ишчи органларини кўздан кечирди, ҳаммаси мукаммал. Юмшатилган эгат тупроғига қўл уриб кўрди, жойида. Трактор ўтган изга кўз ташлади, синган шох, тўкилган ҳосил нишонасини кўрмади, кўнгли таскин топди, ҳатто бундан бир ҳафта-ўн кун олдин ўзи иш бошида туриб, тракторга муҳофаза тўсиқлари ўрнатгирганидан мамнун бўлди.

— Яна бир ҳафта-ўн кун «қора йўрға»га қамчи босасиз, азамат, — деди жиддий оҳангда, — шунда маррага етасиз.

— Тракторни терим бошланғунча пайкаллардан чиқармаймиз деб келишдик, Жуманиёз билан. Хотиржам бўлиг, ёшулли.

Бригадир эгатлар орапаб бораркан баҳсорги кўнгилсиз воқеалар ёдига тушиб, таъби хира тортди. Гап бундай: баҳор инжиқ келди, устма-уст ёмғир ёғиб, чигит экиш кечикди. Ғўзалар чинбарг чиқаргандa жала қуйиб, дўл урди. Бу камлик қилгандай қатқалоқ тупроқ юзини ғадди-будди қилиб кетди. Кошкийди, машаққат қозонининг таги шу билан тешилган бўлса! Энди тетапоя бўлган ғўзаларга ҳошарот корамалахдай ёпирилди.

Барака топсин бригада аъзолари, ҳаммасига бардош берди, кўкрак кериб майдонда турди, офатга қарши олға юрди. Деҳқонлар меҳнати, техника қудрати, кимё мўъжизаси билан бригадирнинг тиззасига урилаётган ҳар бири тухумдай кўсаклар бунёдга келтирилди.

Одатда деҳқон баҳорда ер ўлчайди, кузда кўсак сачайди. Ҳозир кўсак саналадиган, ҳосил чўғини чамалаб тарози қуриладиган палла. Бригадир пайкал белига олтин камардек тортилган ўқарик ёнига келганда нимагадир оёқлари чалишиб одим отолмай қолди. Ғўзаларнинг шохлари бир-бирига тирбандлашиб кетган эди. Беш-олти туп ўсимликни икки ёнга қайирди, қайирди-ю, таъбхиралик ўрнини дилшодлик туйғулари эгаллади, пайкал машъала ёқилгандек чарақлаб кетди, ҳаёлида. Бу отган тонг нуриданми ёки чанқларда қулиб турган лўппак пахта шуъласиданми, ажрата олмас эди, бригадир ўша дамда.

Донишмандлар «бир воқеанинг бошидан бехабар кишига охирини қанчалар тушунтирсанг ҳам бари бир ҳеч нарса тушунмайди» деганлар. Воисёз ака ҳусн-латофатини кўз-кўз қилаётган оқ пахта-оппок пахтага маҳлиёлигича тура турсин. Биз фурсатдан фойдаланиб қадоққўл деҳқоннинг таъриф-тавсифи хусусида қалам тебратамиз.

Воисёз Маҳмудов Хоразмнинг Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан. Еши элликларни қоралаб қолган, вазмин, аммо хуштабиат киши. Пахтачилик бригадаси бошлиғи лавозимига қўйилганида 1961 йил эди. Шундан буён бригадада ҳосилдорлик икки баравар кўтарилиб, олтмиш центнерга етди. Деҳқон ибораси билан айтганда беш ярим таноб ерден олти тоннадан «оқ олтин» теріб олияпти. Шу фактнинг ўзигина ундаги олий маълумот билан ташкилотчилик қобилияти пахта майдонларида уйғунлашиб, камолотга етганидан бир нишонадир.

Мукофот инсон меҳнатига берилган юксак баҳо. Бугун кўкисини орден ёки медаль безаган киши эртага янги марраларни кўзлаши, юксак чўққилар сари интилиши керак. Чунки орден ёки медалнинг порлаган шуъласи баланддан яхшироқ нур тарайди. Воисёз ака Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг олтин медали, «Москвич» машинаси, пианино билан мукофотланди. (Пианино бригаданинг дала шийпонига қўйилган).

Чексиз иззат-икром, юксак мукофотлар бригадирнинг қалбини қитиқлаб, билагига куч бахш этяпти, янги зафарларга чорлаяпти. Ширин уйқуни тарк этиш, кунларни тунларга улаб, маълум мақсадни кўзлаб дала кезиш боиси шунда. Бугунги беоромлик эзгу ният йўлидаги интилишларнинг кичик бир дебочасидир.

Воисёз ака пайкал оралашда давом этди Механизатор Жуманиёз қўлдан чиқарган эгатларни кўздан кечиргач, зовурга кўприк ўрнида ташланган ёлғизоёк тахтадан иккинчи пайкалга ўтди. (Хўжаликда ҳамон унча катта бўлмаган карталар бор). Ўқарик биқинидан эгатларга «дарча» очаётган оғаси Раҳимбой Маҳмудов билан эгатлар оралаб юрди.

«Шарбат» аралаш сув эгатларда жилдираб оқяпти, Улар карта ўртасига етганда ука акага ноҳуш қараш қилди, ака мулзам бўлиб ерга қаради. Уч-тўрт эгатнинг суви қўшилиб бир супрача ерда кўлоб ҳосил қилган эди.

— Пайкал бошидан сув оқишини кузатадиган пайтлар ўтиб кетди, — деди бригадир жиддий оҳангда сувчига, — кўрдингизми, бир супрача ернинг ғўзалари кўллаб, шучча ернинг ғўзалари чўллабди. Нотекис сув ичган ғўзалардэн текис ҳосил олиб бўлмайди.

— Тўғри, — эътироф этди сувчи, — камчиликка йўл қўйдим, уни тузатаман. Сувчи эгатларни соэлай бошлади.

— Эгат оралаб юриш қийинлашиб қолди, — ҳовридан тушиб гап қотди бригадир, — ҳосил шохлари бир-бирига киришиб кетди. Начора, қирқига чидаган қирқ бирига ҳам бардош беришимиз керак.

Кичкина нуқсон чошгоҳ палладаги дам олишда қаттиқ ҳаталанди. Бу бошқа сувчиларга ҳам сабоқ бўлди. Сувчилар сув кечиб эгатлар оралаб юра бошлади.

Бригадир чегарадаги соқчилардек ўз постида ҳушёр турган химизаторлар билан пайкалларни кезиб чиқди. Утган куни профилактика ўтказилган қаторларни кўздан кечирди. Натижа чакки эмас, кўсак қуртидан нишона қолмабди.

— Лекин ҳушёр туриш керак, — тайинлади химизаторларга, — бугун кўзга кўринмаган ҳашаротлар эртага пайдо бўлиши, ҳосилга ҳужум бошлаши мумкин. Уни йўқотгунча ҳосилнинг бир қисмини қўлдан бериб қўйиш мумкин. Бу пишган ошга қорамол сепиш билан баробар.

Излаганга иш топилади, дангасага баҳона. Воисёз ака қош қорайгунча 70 гектарлик майдоннинг бу бошидан кириб, у бошидан чиқди. Культивация, суғориш, ҳашаротга қарши кураш— ҳаммасига деҳқон кўзи билан қаради. У дилига бошқа нарсани тугиб кўйди. Ҳар туп ғўзада икки-учта кўсак очилибди. Демак тезроқ барглариии тўктириш учун дори сепиш керак. Эртагаёқ самолёт қўнадиган майдонча, «зангори кема»лар айланадиган жойлар, яна битта хирмон тайёрлаш керак. Ахир, бригадада яппи ҳосилнинг тўқсон беш процента машиналарда терилади. Оғир юкни осон кўтаришга тараддуд керак.

Кечкурун дала шийпонида суҳбат бўлди. Механизаторлардан Рўзибой Абдураҳмонов, Жуманиёз Ҳамроев, сувчилардан Раҳимбой Маҳмудов, Жумагул Мадраҳимова, Шариф Бобожоновлар дастурхон атрофида бир кунлик иш якуни ҳақида қисқа, лўнда ҳисоб беришди, шу пайтда секталаниб ҳам олишди. Мавсумда 300 тонна пахта теришга эҳд қилган механик «ҳайдовчи Аминжон Юсупов бригадамиз бўйича йиллик пахта тайёрлаш планини ўн беш иш кунида фақат машина терими ҳисобига бажарамиз» деб бригадирни қувонтирди, бошқалар бу фикрга яқдиллик билан қўшилди.

Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг коммунист Воисёз Маҳмудов бошлиқ бригадаси аъзолари съездлар йилида гектаридан 55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш иштиёқи билан яшаб, меҳнат қиляпти. Тарози қурилиб, тош қўйилди. Машиналар пайкаллар бошида чизилиб турибди, механик ҳайдовчилар байроқча кўтарилишини кутяпти. Унгача варваришни давом эттиряпти.

Олтмиш беш центнерлик «оқ олтин» хирмонингиз ҳамроҳингиз бўлсин, азиз пахтакорлар!

М. НАЗАРОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

ЛИВАН ФОЖИАСИ

Шу ҳафта ичида Ливанда бир-бирига қарши курашаётган томонлар Ливан пойтахтидаги аҳоли яшайдиган кварталларни ўққа тутишни тўхтатиш тўғрисида яна бир битим туздилар. Айни вақтда араб мамлакатлари иттифоқининг ташаббуси билан Ливан танглигини сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш ва қарийб бир ярим йилдан буён давом этаётган граждан урушини тўхтатиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Аммо бу сафар ҳам араб мамлакатлари иттифоқининг ёрдами билан Ливандаги қон тўкиш тўхтатилади, деб умид боғлаш қийин. Ўнг христиан кучлар мамлакатни бўлиб юбориш ва сепарат «христиан давлатини» вужудга келтириш йўлини ўтказиб келмоқдалар. Улар кичкина Жунин шаҳрини ўз пойтахтига айлантирдилар. Яқинда Американинг икки дипломати ўнгларнинг рахбарлари билан музокаралар олиб борганидан кейин, бу ерда АҚШ консулхонаси тузилмоқда. Ғарб давлатлари ва Исроил бу ерга жўда кўп миқдорда қуроллар, инструкторлар ва ёлланган кишиларни юбориб турибдилар.

Исроилнинг Ливан денгиз соҳилини қамал қилиб қўйганлиги миллий-ватанпарвар кучларни ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатини таъминот манбаларидан маҳрум этиб, ана шу кучларни тор-мор келтиришида ўнгларга ёрдам беришни кўзда тутади. Чет эл матбуоти Сурия қўшинларининг Ливанга келтирилганлигини ҳам ўнг кучларга қўл келмоқда, деб таъкидлайди.

Ливандаги фожиали воқеалар неча ўн минглаб кишининг ёстиғини қуритди. Бу воқеалар Яқин Шарқ танглигини бартараф қилмасликнинг бевосита оқибати, империализм, сионизм, ва реакция кучларининг ҳаракати натижасидир. Бу кучлар Исроилнинг агрессив сиёсати давом эттирилаётганлиги учун бевосита жавобгардир. Улар Фаластин халқи қонуний ҳуқуқларининг амалга оширилишига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилмоқдалар ва Ливандаги, ҳаракқийпарвар, ватанпарвар кучларни бостиришга интилмоқдалар. Бу мамлакатда қон тўкишнинг давом эттирилаётганлиги араб давлатларининг бирлашган фронтини заифлаштиради, уларнинг диққат-эътиборини Исроил томонидан босиб олинган ерларни озод қилиш, Фаластин проблемасини ҳаққоний ҳал этиш учун олиб борилаётган курашдан четга тортади ва агрессорнинг босиб олинган араб территорияларини бемалол «ўзлаштириб олиши» учун имконият яратиб беради. Империализм, сионизм ва реакция кучлари Ливандаги граждан урушини авж олдирмоқда. Бу уруш жаҳон жамоатчилигининг эътиборини Яқин Шарқдаги кескинликнинг асосий сабабларидан — араб ерларини оккупация қилишни давом эттираётган Исроилнинг агрессив сиёсатидан четга тортишда ана шу кучларга ёрдам бериш мақсадини кўзда тутади.

Ливан ватанпарварлари империалистларнинг мамлакатни парчалаб юбориш ва унинг территориясида «иккинчи Исроил»ни, яъни араб халқларининг миллий-озодлик ҳаракати билан курашмоқ учун яна бир плацдармни вужудга келтиришга қаратилган фитнасига қарши кескин ҳаракат қилмоқдалар. Улар Ливан танглигини ташқи кучларнинг аралашувига ўйл қўймай, тинч демократик асосда ливанликларнинг ўзлари томонидан ҳал этилиши мумкин ва лозим эканлигига аминдирлар. Ана шу йўл мамлакатнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини таъминлайди.

ТАИЛАНД: ҲАРБИЙ ДИКТАТУРАГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Кейинги кунларда Таиландда рўй берган воқеалар бу мамлакатдаги реакцион ҳарбийлар ҳозирги граждан ҳукуматга қарши фитна уюштириш фикридан ҳануз воз кечмаганликларини кўрсатди. Айни вақтда Бангкокда ўтказилган катта митинг ва намойишлар демократик кучлар реакциянинг мамлакатда ҳарбий диктатурани тиклаш йўлидаги уринишларига қатъий зарба беришга шай бўлиб турганликларини исбот қилади.

Собиқ фельдмаршал Прапат Чарусатьеннинг маҳфий равишда Таиландга келганлиги ана шу намойишларнинг бошланишига сабаб бўлди. У диктаторлар триумвирати ҳайъатига кирган эди. 1973 йил октябрдаги қўзғолон натижасида бу ҳокимият ағдариб ташланди ва Прапат Чарусатьен қасос олинишидан қўрқиб, мамлакатдан қочиб кетди. Ана шу мудҳиш сиймонинг Бангкокда пайдо бўлганлиги ҳақидаги овозалар яшин тезлигида бутун пойтахтга тарқалди. Студентлар, ишчиларнинг, социалистик партиянинг ва бошқа демократик ташкилотларнинг қатъий талабидан кейингина, Таиланд полицияси Чарусатьенни қидира бошлади. Уни армиянинг бир офицери уйидан тезгина топиб олдилар.

Ҳукуматнинг собиқ диктаторнинг қайтиб келишига гўё, «шахсий важлар», «ватанни қўмсаб қолганлиги», ва шу сингари ҳоллар сабаб бўлди, деган гапларга қарамай демократик жамоатчилик Чарусатьенни дарҳол қамоққа олиб, судга беришни талаб этди. Демократик жамоатчиликнинг фикрича, кекса фельдмаршал ҳарбий кучлар ва ўнг кучларнинг Таиландда АҚШ билан маҳкам боғланган ҳарбий диктатура режимини тиклаш йўлидаги ургинишларида уларни бир-бири билан боғловчи восита бўлиб хизмат қилиши керак, эди.

Бошқа бир ҳолат ҳам эътиборни ўзига жалб этади. Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати билан Таиланд ҳукумати дипломатия муносабатларини ўрнатиш ва тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказиш ҳақида келишиб олганидан кейин икки ҳафта ўтар-ўтмас Таиланд ҳарбийлари ва уларнинг америкалик хомийлари фельдмаршалнинг маҳфий сафарини уюштирган бўлсалар керак, Таиланддаги ўнг гуруҳлар ва ҳарбийлар, яъни АҚШнинг Таиланд тупроғидаги ҳарбий базаларини тугатишга ва Америка қўшинларининг мамлакатдан чиқариб юборилишига қарши эътироз билдирган ана шу доирада ҳар икки ҳукуматнинг юқорида айтиб ўтилган тадбирига қарши чиқдилар.

Демократик жамоатчиликнинг тазйиқи остида Чарусатьен Таиландан чиқариб юборилди. «Ҳарбийларни назорат қилмаслик»да айбланган мудофаа министри Тавит Сенивонг истеъфо берди. Министрлар кабинети қўшни Ҳиндистон—Хитой давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган йўлни тасдиқлади.

Милитаристик кучларнинг игвогарлик ҳаракатларига бу сафар қатъий зарба берилган бўлса ҳам, бу кучларнинг келгуси реакцион ҳарбий диктатурани қайтадан тиклаш учун яна уриниб кўражаклари эҳтимолдан узоқ эмас. Мамлакатни чинакам демократик тараққиёт йўлидан олиб боришга интилаётган прогрессив кучларнинг кураши давом этмоқда.

ФРАНЦИЯДА ҲУКУМАТ АЛМАШДИ

Франсияда ҳукумат алмашди. Бош министр Ж. Ширак истеъфога чиқди ва президент В. Жискар Д'эстэн унинг ўрнига Р. Баррни тайинлади. У аввалги ҳукуматда ташқи савдо министри лавозимида эди.

Ҳукумат алмашиши Парижнинг сиёсий доиралари учун кутилмаган иш бўлмади. Бу ерда президент билан бош министр ўртасида келишмовчиликлар борлиги тўғрисида бир неча ҳафтадан бери миш-мишлар айтилиб келарди. Ширак истеъфога чиққанидан сўнг айтишича, президент мамлакат олдида турган мураккаб проблемаларни ҳал қилмоқ учун ўзига керакли ваколатларни беришни истамаяпти.

Зотан имтиёзлар тўғрисидаги мунозара Ширак мансуб Де Голлчилар партияси бўлмиш республикани ҳимоя қилувчи демократлар союзи билан ҳукумат коалициясидаги бошқа партиялар ўртасида чиқиқан анча жиддий келишмовчиликларни акс эттиради. Бу келишмовчиликлар ички ва ташқи сиёсатнинг турли проблемаларига тааллуқлидир.

Шуларден бири — мамлакат кечираётган оғир иқтисодий кризисдан чиқиш йўллари ва методларидир. Ишлаб чиқаришдаги тушкунлик давом этаётганлигида, ишсизлир кўпайиб 1 миллион 300 минг кишига етганлигида, ҳар йили нарх-наво 13-15 процент кўтарилиб, франкнинг қиммати пасайиб кетаётганлигида шу кризиснинг аломатларини кўриш мумкин.

Ташқи сиёсат ва мудофаа сиёсати эса келишмовчиликларнинг бошқа бир доирасини ташкил этади. Де Голль йўлини давом эттирувчилар деб ҳисоблайдиган республикани ҳимоя қилувчи демократлар союзининг аъзолари ҳукуматнинг мана шу соҳадаги йўлининг боришини ташвишланиб кузатиб турдилар, Франция Де Голлча мустақиллик сиёсатидан четлашиб атлантизм сари жилиб бормоқда ва НАТО блоки билан яқинлашмоқда, деб ҳисоблямоқдалар. Улар, жумладан, қуролли кучлар штабининг бошлиғи Г. Мери эълон этган НАТО блокини ёқловчи янги ҳарбий доктринадан, шунингдек Франциянинг Европа парламенти деб аталмиш парламентга бевосита сайлов ўтказиш тўғрисидаги масала хусусида тутган позициясидан норози бўлдилар. Иккинчи томондан, улар президентнинг баъзи ички ислоҳотлар ўтказиш ниятига ишонқирамай қарадилар.

Шу йилнинг мартида ўтган кантонал сайловдан кейин ҳукумат коалициясидаги ихтилофлар кучайиб кетди. Ўша сайловда компартия, социалистик партия ва сўл радикаллар ҳаракатидан иборат сўл кучлар иттифоқи 52 процент овоз йиғиб катта муваффақиятга эришганди. Келаси йил Франсияда муниципал сайлов ўтказилишини, 1978 йилда эса парламентга сайлов ўтказилишини назарда тутадиган бўлсак, ҳукумат коалициясидаги партияларнинг нима учун ташвишланаётганликлари аён бўлиб қолади.

Президент Жискар Д'эстэн иқтисодий қийинчиликларга қарши, даставвал пулнинг кадрсизланишига қарши кураш янги ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади, деб эълон қилди. Париждаги кузатувчилар президент партиясиз мутахассис Баррни бош министр лавозимига тайинлаб, ўзи зарур деб ҳисоблаган тадбирларни амалга оширмоқ учун кўпроқ ҳокимиятни ўз қўлида тутиш ниятида, — деб ўйламоқдалар. Аммо президентнинг янги-янги қийинчиликларга дуч келишига тўғри келади. Чунки эндиликда у ҳукмрон коалициядаги етакчи партия бўлмиш республикани ҳимоя қилувчи демократлар союзининг парламентда ўзини автомат тарзда қўллаб-қувватлашдан умид тута олмайди.

Франция Компартиясининг сиёсий бюроси ҳукумат кризисига баҳо бериб, бу нарса ҳукуматнинг меҳнаткашлар манфаатлари зарарига катта капитал сиёсатини ўтказишда, қийинчиликлар ошиб бораётганлигини акс эттиради, деб таъкидлади. Ҳукумат алмаштирилиши катта капитал сиёсатини амалга оширишни давом эттирмоқ учун куч-қувватларни бошқатдан группалашнинг ўзидан иборат, деб таъкидлайди Франция Компартияси.

А. БИРЮКОВ,
С. ФРОЛКИН.
Е. ЕГОРОВ.
(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПРАГА. Чехословакиянинг Млада Болеслав шаҳридаги «Шкода» заводининг коллективи бу йилнинг дастлабки етти ойи ичида юз мингтага яқин автомашина тайёрлаб чиқарди. Мўлжалдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан 15 миллион крона ўзиб кетилди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Невада штатидаги ҳарбий полигонда Америка—Англия қўшма ер ости ядро портлаши ўтказилди. Англияда ишлаб чиқарилган ядро қурилмасининг қуввати 20-150 килотонна тринитротолуолга баравар келди.

АҚШ билан Англия ўртасида тузилган битимга мувофиқ шу билан олтинчи марта Америка—Англия қўшма ядро синови ўтказилди.

◆ БОННН. АҚШнинг Европадаги ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлигининг хабар беришича, АҚШдаги аэродромлардан НАТО блокининг ГФР, Англия ва Норвегиядаги ҳарбий-ҳаво базаларига «Фантом», «Тандерчив», «Корсар» ҳарбий самолётлари билан қўролланган бир неча авиация қисми ташланади. (ТАСС).

МИЛЛИОНЛАРЧА ИМЗО ТЎПЛАНДИ

ПРАГА. Социалистик Чехословакия гражданларидан олти миллиондан ортиқ киши жаҳон тинчлик кенгашининг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш ҳақидаги янги Стокгольм хитобномасига имзо чекди.

Чехословакия тинчлик комитети турли йиғилиш ва митинглларнинг 17 мингдан зиёд резолюциясини олди. Республика меҳнаткашлари бу резолюцияларда қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш ҳақидаги янги Стокгольм хитобномасига имзо чекдик.

Чехословакия тинчлик комитети турли йиғилиш ва митинглларнинг 17 мингдан зиёд резолюциясини олди. Республика меҳнаткашлари бу резолюцияларда қуролланиш пойгасини тўхтатишни қаттиқ талаб этадилар, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари изчиллик билан ўтказиб келаётган ленинча тинчлик сиёсати тўла ва қатъиян қўллаб-қувватланаётганлигини билдирмоқдалар.

ТАРАҚҚИЁТ КУЧЛАРИ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР

РАБОТ. (ТАСС). Марокашдаги Тараққиёт ва социализм партияси очиқ шароитда иш кўра бошлаганидан буён икки йил ўтди.

Тараққиёт ва социализм партиясининг босма органи «Ал-Баян» газетаси қуйидагиларни ёзади: Марокаш ишчилар синфи ҳамда шаҳар ва қишлоқ меҳнат аҳлининг бошқа табақалари ўзининг илмий социализм принципларига содиқ бўлган ва очиқ шароитда ишлайдиган етакчи сиёсий ташкилотига эга бўлдилар. Марокашдаги революцион тараққийпарвар кучларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинлик учун, миллий иқтисодий ва социал озодлик учун, империализмга ва мустамлакачиликка қарши кўп йиллар мобайнида қаттиқ кураш олиб борганлиги натижасида, дейилади мақолада, партиянинг очиқ шароитда ишлашига муваффақ бўлинди.

Тараққиёт ва социализм партияси, деб таъкидлайди «Ал-Баян» газетаси, ҳозирги кунда ўзининг ватанпарварлик бурчига содиқ бўлиб қолмоқда. Бу бурч — ватан ва халқнинг юксак манфаатларини ҳимоя қилиш учун, мамлакатдаги барча тараққийпарвар кучларни миллий демократик фронтга жипслаштириш учун, социал тараққиёт учун курашни давом эттиришдан иборат. Тараққиёт ва социализм партияси аввалдагидек ҳозирда ҳам пролетар интернационализми принципларига содиқдир. У «Сўлларо»нинг авантюристик тенденцияларини рад этади. Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлайверади.

ФРАНЦИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ПАРИЖ, 28 август. (ТАСС). Франциянинг янги бош министри Раймон Барр ўзи тузган ҳукумат составини президент В. Жискар Д'Эстэнга тақдим этди. Президент ҳукуматнинг янги составини мақуллади. Р. Барр янги ҳукуматда экономика ва молия министри лавозимини ҳам эгаллади.

Луи де Гиренго ташқи ишлар министри, М. Понятовский давлат министри, ички ишлар министри (у аввалги ҳукуматда ҳам шу лавозимни эгаллаган эди) қилиб тайинланди, Иван Бурж мудофаа министри бўлиб қолди. Андре Росси ташқи савдо министри, Кристиан Беллак меҳнат министри бўлди.

Америка Қўшма Штатларининг турли шаҳарларида «Чили ҳарбий хунтасининг жиноятлари тугатилсин», деган шиор остида оммавий намойишлар ўтмоқда. Унинг иштирокчилари Луис Корваланга ва бошқа чилилик ватанпарварларга озодлик беришни талаб қилмоқдалар. Суратда: намойиш қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

МАОИЗМНИНГ СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИНҚИРОЗИ

ЛИССАБОН, 24 август. (ТАСС). Кейинги йилларда маоизмнинг инқирози жуда кучайиб кетди, деб ёзади «Диариу» газетасининг обзорчиси, ХХРда Мао Цзэдун диктатураси ўрнатилишидан сабабли келиб чиққан зиддиятларнинг кескинлашуви — Хитой халқи мамлакатдаги ҳокимиятни босиб олган майда буржуа гуруҳининг зулмига тоқат қилишни истамаётганлигининг кўринишларидан биридир.

Мамлакат ичкарисида, деб ёзади газета, маочилар аввало халқнинг эътиборини ички қийинчиликлардан чалғитиш, уни талваса вазиятида яшашга мажбур қилиш, реакцион миллатчилик ва шовинистик кайфиятларини сингдириш учун «совет хавфи» деган афсонани ишга солмоқдалар. Иккинчи томондан маочилар қуролли кучларни камайтирмаслик ва ҳатто кўпайтириш сиёсатини оқлашга, Хитой халқининг бутун ҳаётини ҳарбийлаштиришга уринмоқдалар.

Маочилар мамлакат ичкарисида ўзлари тарқатаётган сохта тезисларни «асослаш» мақсадида халқаро майдонда кескинлик ва можаролар келтириб чиқаришга интилмоқдалар. Айни шунинг учун ҳам улар СССРнинг ҳамма ташаббусларига ўйлаб-нетмай ҳужум қилмоқдалар. Хўш, нега энди маочилар Совет Иттифоқини ўзларининг асосий душмани деб эълон қилдилар? Бунинг сабаби шуки, улар СССР маочилар учун ҳақиқатан ҳам хатарли эканлигини: совет халқи ривожланган социалистик жамият қуришда эришган катта-катта муваффақиятлари билан хатарли эканлигини кўриб турибди. Совет жамиятининг социал, иқтисодий, илмий тараққиёти — маочиларни таҳликага солаётган доимий «хавфдир»! Агар Хитой халқи ўз аҳволини совет халқининг турмуши билан таққослаш имкониятига эга бўлганида эди — Мао Цзэ-дун ва унинг группасининг аҳволи вой бўлур эди. Шу боисдан ҳам маочилар Хитой халқини теварак-атрофдаги дунёдан яккалаб қўйиш сиёсатини ўтказмоқдалар, унинг социалистик мамлакатлар тўғрисидаги қарашларини билишига йўл бермаётирлар.

Маочиларнинг ташқи сиёсати бошиданоқ дунё халқларининг социалистик мамлакатлар билан алоқа боғлаб туришига тўсқинлик қилишга қаратилган. Бу йўлда маочилар билан америкалик империалистлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганликлари муваққат тактикагина эмас, айни вақтда уларнинг антикоммунистик қарашлари бир хил эканлигининг конкрет ифодасидир.

Бу хулосани фактлар яқ-қол исботлаб турибди, дейилади сўнгра мақолада. Бир вақтлар, ёш Куба социалистик давлати Америка қамалига қарши курашаётган бир пайтда Пекин Кубани иқтисодий бойкот қилган эди. Оснёда маочилар Бангладешнинг мустақиллигига қарши чиқдилар, сўнгра эса Мужибур Раҳмон ҳукуматини агдариб ташлаган давлат тўнтаришини табриклядилар. Маочилар курашаётган Вьетнамга аталган буюмлар келтирган совет кемаларидаги юкларни Хитой портларида тушириб олишга тўсқинлик қилдилар, улар совет қуролларинг Вьетнамга етказиб берилишини доимо пайсалга солдилар. Вьетнам урушининг қалтис пайтларидан бирида маочилар ўз қўшинларини Хитой—Вьетнам чегарасидан шимолга чекинтириб, шу тарика аслида агрессияга йўл очиб бердилар.

Яқин Шарқда Хитой маочилари фаластин халқининг озодлик йўлидаги курашига тўсқинлик қилмоқдалар.

Пекиннинг Африкадаги сиёсати ҳнёнаткорлик туснии олди. Маочилар миллий озодлик ҳаракатларига доир ҳужум қилмоқдалар ва аксинча, турли қўғирчоқ гуруҳларни қўллаб-қувватлямоқдалар. Жумладан, Намибия, Мозамбик, Ангола хусусида шундай бўлди.

Маочилар ташқи сиёсатининг характери Португалия мисолида яхши кўриниб турибди, деб ёзади сўнгра «Диариу» газетаси. Пекин раҳбарлари яқинда «Португалия жамоатчилиги делегацияси»нинг ХХРга сафаричи ташкил этиш билан қандай мақсадларни кўзлаганликларини тушуниш қийин эмас. Бу делегация составида португалиялик маочилар ва уч сиёсий партия—социалистик, халқ демократик партия ва социал-демократик марказ вакиллари бор эди. Шу партияларнинг вакиллари юртларига қайтиб келгач «маоча социализм»ни мақтай бошлаганликлари, Хитойнинг «учинчи дунё»да «раҳбарлик» қилишига розилик беришга чақира бошлаганликлари ва шу каби ишлар билан шуғулланишга киришганликлари бежиз эмас. Шу делегация аъзоларининг Португалия телевидениеси орқали чиқишларини ва уларнинг Португалия матбуотида Хитойга қилган «ёқимли сафарлари» тўғрисидаги узундан-узоқ эсдаликлари эълон қилишини ташкил этган кишилар ҳам худди шу мақсадни кўзладилар.

Пекин раҳбарлари Америка пропагандаси билан бир ёқадан бош чиқариб, туҳмат ва бўҳтон тарқатаётганликлари бутун дунёнинг кўз ўнгида фош бўлиб қолганлиги маоизмнинг халқаро майдонда батамом шармандан шармисор бўлишига муқаррар равишда олиб келди.

Газета Пекиннинг халқаро ишчилар ҳаракатига қарши кирдикорларини ҳам фош қилиб ташлаган. Кейинги ўн йил ичида, деб ёзади газета, маочилар халқаро ишчилар ҳаракатига етказган зарар Америка Марказий Разведка бошқармаси ўзининг бутун умри давомида етказган зараридан ҳам ошиб кетди. Газетанинг фикрича, маочиларнинг миллий озодлик ҳаракатларидаги контрреволюцион агентлари Американинг «қўпорувчилик фаолиятига қарши курашувчи» ҳамма мутахассислари биргаликда етказган зарардан қолишмайдиган даражада зарар етказдилар.

Бироқ, деб ёзади «Диариу» газетаси, тарих шитобли ривожининг муқаррар жараёни ҳар қандай реакцион иттифоқлардан кучлироқдир. Бутун дунёдаги тараққиёт кучларининг тиниммсиз олга силжиши империализм билан маоизмнинг қўшма стратегиясига ўнгарилмас зарба бермоқда.

Қорақалпоғистон АССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети қошида чолғу оркестри ташкил этилганига беш йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида унинг репертуаридан қорақалпоқ композиторлари, шунингдек рус ва ғарб классикларининг асарлари доимий ўрин олди. Оркестр колхоз ва совхозларга бориб, тез-тез концертлар бериб туради. Музика ихлосмандлари оркестр ижросида опералардан парчалар, қардош композиторлар асарлари ва турли халқ куйларини айниқса севиб тинглайдилар. Оркестрга Узбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердах номли республика мукофоти лауреати А. Султонов раҳбарлик қилмоқда. Суратларда: 1. Куй ижро этилмоқда. 2. Оркестрнинг раҳбари ва бош дирижери А. Султонов солистлар билан.

Р. Сандов фотолари.

НЕГА БУНАҚАСИЗ ҚОВУН-ТАРВУЗЛАР?

(Қовун-тарвузга ҳаддан ташқари кўп селитра солиб, харидорларни қийнаётган беандиша деҳқонга қарата)

Нега бунақасиз қовун-тарвузлар?
Халқимиз айтмоқда минг-минг афсуслар!
Оҳ, сизлар шунчалар шифо эдингиз,
Таралса ёқарди хушбўй ҳидингиз.
Тил ёрар эдингиз мисоли асал,
Энди-чи, ким еса лоҳас-у касал...
Кўринишдан гўё роса пишгансиз,
Йўқ пишган эмассиз, обдон шишгансиз.
Жўралар ўртада сўйсалар қовун,
Оғиз кўпиртирар егандай совун.
Мармар-у беқасам нусха тарвузлар,
Ичингизга тўлган қаердан тузлар?
Бунча бўшашгансиз йўқдай мадори,
Ноинсоф деҳқонлар бердими дори?
Нокас деҳқонингиз ўйлаганми сал?
Гар еса моллар ҳам бўлмоқда ўсал.
Ширинлик ичида оғу сотиш бу,
Яхшилик ўрнида қайғу сотиш бу...
Бу оғир жиноят, элга хиёнат,
У асл деҳқонмас, у бедиёнат!
Дорини ўзига едирмоқ керак!
Уларни полиздан сидирмоқ керак!
Сизни афгор қилган қай ғаламислар?
Эй, қовун-тарвузлар, қовун-тарвузлар.

Пўлат МУМИН.

Реклама ва эълонлар

ФАРҒОНА САЕҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

САЕҲАТЧИЛАРНИ ҚИЗИҚАРЛИ САФАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЮРИЙ ДОЛГОРУКИЙ» ТЕПЛОХОДИДА

«ФАРҒОНА — МОСКВА» (поездда), сўнгра **«МОСКВА — ЯРОСЛАВЛЬ — КОСТРОМА — ГОРЬКИЙ — ҚОЗОН — УЛЬЯНОВСК — КУЙБИШЕВ — САРАТОВ — ВОЛГОГРАД — АСТРАХАНЬ — УГЛИЧ — КАЛИНИН — МОСКВА»** маршрути бўйича теплоходда.

Туристлар — 27 сентябрда «АНДИЖОН — МОСКВА» 33-поездида қаҳрамон-шаҳар Москвага келадилар. Москвада шаҳар бўйлаб экскурсия ташкил этилган.

Теплоход тўхташ жойларида шаҳарлардаги диққатга сазовор жойлар, тарихий ва архитектура ёдгорликлари билан танишиш мумкин.

Бунден ташқари, теплоход туристларнинг чўмилиб олишлари, балиқ тутишлари учун алоҳида тўхтаб ўтади.

Теплоходдаги саёҳат 20 кун давом этади.

Саёҳатчилар 16 октябрда «МОСКВА — АНДИЖОН» 34-поезди билан Фарғонага қайтиб келадилар.

Путёвка нархи 310 сўм (1 класс), **276 сўм** (2 класс), **224 сўм** (3 класс).

Мурожаат учун адрес: Фарғона шаҳри, М. Горький кўчаси, 29-уй. Телефон: 4-05-87, 4-70-43.

Фарғона саёҳат ва экскурсия бюроси расчёт счётининг номери 60913 бўлиб, давлат банкининг Фарғона бўлимида.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ТОШКЕНТДАГИ

34-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—77 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЭЛЕКТРОН ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ УЧУН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Сиз — штамплар, пресс формалар ва мосламалар ремонти бўйича (ўсмирлар) слесарь-асбобсоз, иккиламчи коммуникациялар тармоқлари монтажи бўйича электр-монтажчи (қиз болалар), токарь-универсал; интеграл микросхемаларни йиғувчи (қиз болалар), ярим ўтказгич асбобларни йиғувчи (қиз болалар), пластмасса буюмларини пресловчи, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи слесарь (ўсмирлар) каби ихтисосликларни эгаллашингиз мумкин.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ 15 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8-синф маълумотидагиларга — 2 йил.

Интеграл микросхемалар ва ярим ўтказгич асбобларни йиғувчи мутахассислиги учун ўқиш муддати бир йил.

Саккизинчи синф маълумотидаги ўқувчилар уч маҳал овқат, ишчи ва кундалик кийим-бош билан таъминланадилар; ўнинчи синф маълумотидагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента ҳажмида маош билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган йигитлар диққатига — билим юртида сизлар учун оширилган миқдорда — 60 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИДАГИ ЎҚИШ МУДДАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқиш тамом бўлгач, билим юртини битирувчилар электр станцияларида, подстанцияларда, электрон, электротехника ва радиотехника саноати заводларида меҳнат қиладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирган шаҳслар техникум ва олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинадилар.

Билим юртида вокал-инструментал ансамбль, рақс ва хор тўгараклари ташкил этилган. Билим юртида киностудия, фототўгарак, техника ижоди тўгараклари ва спорт секциялари мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат (асл нусхаси), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асл нусхаси), автобиография, ота-онасининг ишлаётган ери ва яшаш жойидан справка, мактабдан ёки иш жойидан медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см.).

СИЗНИ БИЛИМ ЮРТИМИЗДА КУТАМИЗ.

Бизнинг адрес: Тошкент-105, Ленин райони, Манжара кўчаси, 137, ГПТУ-34 (7, 12, 26, 37, 52, 68-автобуслар, 5-трамвай «Қорасув» бекати, 12-трамвайнинг «Зоя Космодемьянская кўчаси» бекати), 22, 55-автобусларнинг «Электротехника заводи» бекати). Телефонлар: 91-69-64, 91-65-63, 91-68-74

«НАШТАР» ЗАРБАЛАРИ

«Ўзбекфильм» киностудиясининг «Наштар» сатирик киножурнали томошабинлардан кўплаб хатлар олиб туради. Мана шундай хатлардан бири: «Севимли Наштар»! Олтмиш олтинчи номерингни ҳам эўр завқ-шавқ билан кўрдик. Бу гал ҳам зарбани қойил қилиб урибсан! Жамиятимизга ёт иллатларни фош этиш қудратинг тобора ортиб бораётганидан хурсандмиз. Бўш келма!» Якобойлик фельдшер И. Самадов томонидан йўлланган ва бошқа жуда кўп мактубларнинг ҳам мазмунини ўзида ёрқин ифодалаган бу қисқагина хатдан «Наштар» журнали ҳақида муҳим уч нарсани англаб олиш мумкин. Биринчидан, журнал аллақачон ўз мухлисларини топган, иккинчидан, унинг ҳар бир номерини томошабинлар қизғин кутиб олишади, учинчидан, журнал жамиятимизга ёт иллатларни аёвсиз фош қилиб, мўлжалга бехато урмоқда!

«Наштар» сатирик киножурнали социалистик жамиятимизга, гўзал замонамизга бутунлай ёт бўлган иллатларни тағ-томири билан йўқ қилиб ташлашдек қоят оғир ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ўн йилдирки, у бюрократ ва порахўрларни, ичкилик ва ичкимасларни, қаллоб ва қитмирларни, чайқовчи ва текинхўрларни, ароқхўр ва хасисларни, товламачи ва лаганбардорларни, ғийбатчи ва қонунбузарларни аёвсиз фош қилади. Ўн йилдирки, бундай хайрли ишдан ҳориб чарчамайди. Унинг назарига илинган «қурмаклар»нинг тусалмай, ўзини ўнглаб олмай иложи йўқ. Чунки, «Наштар» принципиал танқид қилади, юз-хотир деб ўтирмайди, зарбаси эса қақшатқич бўлади. Унинг кўзи ўткир: узоқдагини ҳам, яқиндагини ҳам баб-баравар кўра олади. Шунинг учун «Наштар»нинг назаридан олиб-сотар ҳам, олис пахта далаларида қўл тарозини эрмак қилиб ўтирган барзанги табелчи ҳам қочиб қутулолмайди. У бошлаган ишини охирига етказмай қўймайди. Шунинг учун «Наштар изидан» деган доимий рубрикаси бор. Шу рубрика остида қандай нуқсонлар ҳужжатли танқиддан кейин бартараф этилганини жонли мисол ва далиллар билан кўрсатиб боради.

«Наштар»нинг деярли ҳамма областда мухбирлари бор. Фарғонадан Адҳам Ҳамдам, Бухородан Тошпўлат Ҳамид, Хоразмдан Эркин Қораҳонов, Наманганда Лутфулла Ҳамроев, Қашқадарёдан Салохиддин Нўлдошев, Қорақалпоғистон АССРдан Жўлмирза Оймирзаевлар сценарийлари билан қатнашиб, айни пайтда ҳужжатли киносюжетлар яратилишига ҳам актив кўмаклашадилар.

Яхши сценарийни экранда беками-кўст жонлантириш, «қаҳрамон»ни боплаб фош этиш, томошабинни бунга ишонтириш санъаткорлар маҳоратига боғлиқ. Бу борада «Наштар»га СССР халқ артистлари Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ғани Аъзамов, Рауф Болтаев, Марям Ёқубова, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Махсум Юсупов, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Эргаш Каримов, Бахтиёр Ихтиёров, Обид Юнусов, артист Ҳасан Нўлдошевлар жонкуярлик кўрсатиб келмоқдалар.

«Наштар»нинг муваффақиятлари биринчи навбатда ёзувчи Сами Абдуқаҳҳор бошлиқ ижодий коллективнинг тинимсиз меҳнати самарасидир. Режиссёр Ғиёс Шермуҳамедов авторлар ва актёрлар билан ишлашда бой тажрибага эга, оригинал режиссураси билан ажралиб туради. Журнал экранининг жозиба кучи оператор, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Михаил Краснянский, рассом Ной Робинович, оператор Лев Симбирцевлар маҳоратидан.

Ўн йиллигини нишонлаётган журналнинг шу вақтгача 67 номери экранга чиқди. Демак, «Наштар» жамиятимизга ёт иллатларга қарши олтмиш етти марта зарба берди. У дунёга келиши муносабати билан Бутуниттифоқ «Фитиль» сатирик киножурналининг бош муҳаррири, атоқли совет ёзувчиси, Ленин мукофоти лауреати Сергей Михалков қуйидагича табрик йўллаган эди:

Фитилнинг укаси «Наштар» чақалоқ,
Ишда қўрқиш нима — билмасин мутлоқ.
«Фитиль»дан олиб у ўрнак-андоза,
Нуқсонга ўт очсин, бопласин роса.

Ҳа, шундай. «Наштар» акаси «Фитил»дан ўрнак-андоза олиб, нуқсон ва камчиликларнинг адабини бермоқда. Ҳар бир зарбанг нишонга аниқ тегаверсин, «Наштар!».

Ю. БЕРДИЕВ.

Суратда: «Наштар»нинг «Семиз ва ориқ» фельетонидан кадр.

УЗОҚ УМР КЎРАЁТГАНЛАР

ЗАПОЛЯРЬЕ ОҚСОҚОЛИ

Якутиянинг Оймяқон посёлкасида истиқомат қилувчи Тимофей Гаврилович Винокуров 105 ёшга тўлди. Унинг саккиз фарзанди ҳамда етмишга яқин набира ва аваралари бор. Ҳозир «Оймяконский» совхозида ветеринария врачи бўлиб ишлаётган ўғли Николай отаси 80 ёшлик чоғида туғилган эди.

Заполярье оқсоқоли ҳозиргача ўз бардамлиги ва кучини сақлаб қолган, ёшлар бўйича ҳавас қилишлари мумкин. У ўзининг ана шу узоқ ҳаёти давомида бирон марта медикларга мурожаат қилмади. Тимофей Гаврилович кексайиб қолганлигига қарамай жонажон совхози учун ҳар йили ёз фаслида бир неча тонна пичан тайёрлайди. Қария яқин вақтгача ов қилиш билан шуғулланиб, давлатга кўплаб мўйна топширди.

Мутахассислар бу мўйсафиднинг ёшлигини соф тоғ ҳавоси ва посёлка ҳақиқида оқиб ўтаётган Оймякония дарёси сувининг мусафолиги билан изоҳлайдилар. Т. Г. Винокуров ҳеч қачон папирос чекмади, спиртли ичимликлар истеъмол қилмади.

Тимофей Гаврилович — шимолий ўлкада энг мўътабар гражданлардан биридир.

Д. БУБЯКИН,
ТАСС мухбири.

ҲОДИСА

ҒАЛЛА ҚУТҚАРИЛДИ

ОРҚАЛИҚ. Тўрғай чўққуварларига ғаллани ташишда кўмаклашиш учун келган автомобиль бўлимасининг жангчилари Давлатин районидаги «Каринсалдинский» совхозининг марказидаги хирмонда 120 тоннадан зиёдроқ янги ҳосил ғалласини ёнғиндан сақлаб қолдилар.

Автомобиль бўлинмасининг командири офицер В. Н. Николаенко вақт қариб ярим кеча бўлиб қолганида суткалик наряд хизматини текширишдан ўтказарди. Қишлоқнинг чеккасидаги ҳаддан ташқари ёруғлик унинг эътиборини жалб қилиб қолди. Енгин! Райондаги механизациялаштирилган хирмонда ёнғин чиққан, қишлоқ меҳнат аҳли эса трактор-даланчилик бригадаларида эди. Жангчилар орадан бир неча секунд ўтар-ўтмас тревога сигнали билан оёққа туриб, икки минутдан кейин эса алангга билан қопланган хирмонга автомашиналарда етиб келдилар. Ғалла омбори ёнар эди. Бошқа иншоотларга ҳам ўтнинг ўтиш хавфи бор эди. Командир вазиятни тезда ва тўғри баҳолаб, жангчиларнинг бир группасини ёнғинни ўчирганни, иккинчи бир группасини ғаллани қутқаришга жўнатди. Шамол ёнаётган тахталар ва шиферларни бир неча метр нарига улоқтирар, олов оташ учқунларини солдатларга сочиб, аланганли нафасини пуркарди. Жангчилар синиқ тахталар, этиклари билан ёнғинни ўчирдилар. Ғалла учун жанг уч соат давом этиб, довюрак солдатларнинг ғаламбоси билан тугади.

Кичик сержант Н. Харченко, ефрейтор В. Денисенко, оддий аскар М. Муранов ва бошқалар ёнғинни ўчирганликлари учун қўмондонлик томонидан рағбатлантирилди. (ТАСС).

Сиҳат-саломатлигингиз қандай?

ҚОН БОСИМИ ПАСАЙГАНДА...

Қон босимининг нормадан кам бўлиши гипотония касаллиги дейилади. Маълумки, соғлом кишиларда артериал қон босими 120/30 миллиметр симоб устунига тенг бўлади. Максимал артериал қон босими 100 дан ва минимал босим 60 миллиметрдан камайган ҳолларда одам гипотония касаллиги билан оғриган бўлади. Аввалари гипотония алоҳида касаллик деб ҳисобланмай, балки баъзи бир хасталикларнинг белгилари деб тушунтириларди.

Маълумки, қон босими камайиши ҳамма вақт ҳам гипотония касаллиги деб ҳисобланмайди. Баъзи кишиларда қон босими доимо нормадан паст бўлади, шунга қарамай, улар ўзларини соғлом ва меҳнатга қобилиятли сезадилар.

Гипотония кўпинча миокард инфаркти, ёмон сифатли ўсмалар, ошқозон яраси, ўпка сили, сариқ ва бошқа шунга ўхшаш касалликлар натижасида келиб чиқади. Бу касалликлар тузалиши билан бирга гипотония ҳам йўқолади. Баъзан гипотония кўп қон йўқотиш, кучли оғриқ, қаттиқ ҳаяжонланиш, жароҳатланиш ва операциялардан сўнг ҳушдан кетиш ҳолатларида рўй беради.

Гипотония касаллиги одатда навқирон ва ўрта ёшдаги одамларда кўпроқ учрайди, кексалар бу касаллик билан кам оғрийдилар. Бундан ташқари бош миянинг лат ейиши, зарарли қимёвий моддаларнинг таъсири ҳам гипотониянинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Гипотония билан оғриган кишилар кўпинча тез чарчайди, бўшашади, ўрнидан бирдан турганда боши айланиб, кўз олди қоронғулашади. Боши тез-тез оғриб туради. Хотираси ёмонлашади ва кўпинча тажанг бўлиб юраги. Оёқ ва қўллари музлаб, совуқ тер чиқаради. Бўғимлари ва мускуллари оғрийди, тез юрса ёки оғир иш қилса, юраги ўйнаб, ҳарсиллайди. Кўпчилик беморлар уйқуга тўймайди, эрта билан ўрнидан турганда ўзини ҳориган, бўшашган ҳис қиладиган.

Кўпинча жисмоний ёки ақлий меҳнатдан кейин бундай кишиларнинг узоқ вақт боши лўқиллаб оғрийди, чакка томирлари уриб туради. Баъзи бир беморларда бош оғриги билан бирга кўнгил айнаб, қайт қилиш ҳоллари рўй беради. Бемор юрганда ёки жисмоний меҳнат вақтида юракда стенокардияга ўхшаш оғриқ пайдо бўлади. Баъзи бир беморларда қорнида оғриқ қўзғалиб кўнгли айнаб, қайт қилади.

Гипотония касаллигида ҳарорат нормадан пасаяди, бемор шамоллаган вақтида ҳам ҳарорати 37 даражадан ошмайди. Юрак сатҳига қулоқ солиб кўрилганда, юрак фаолиятининг сусайгани ва унда ҳар хил шовқинлар пайдо бўлганини эшитамиз. Томир уриши бўш ва секинлашган бўлади. Қон босими 100/30 дан камаяди. Қон босими касалнинг ҳолатига, ҳароратига ва қайфиятига, ҳавонинг иссиқ-совуқлигига қараб гоҳ бир оз кўтарилиб, гоҳ пасайиб туради.

Беморнинг шиноятлари кўп бўлишига қарамасдан, касалликнинг бошланиш даврини, электрокардиограммасини текширилганда ўзгариш кўрилмайди. Баъзан қонда қанд моддалари ва холестериннинг кўпайганлиги сезилади. Бемор жисмоний чарчаганда ёки кайфияти бузилганда қон босими жуда пасайиб, касалнинг аҳволи ёмонлашиб, боши айланади, кўнгли айнаб яна қайт қилади.

Касалликнинг кечиши ҳар хил бўлади. Баъзан беморни иш ва турмуш шароити ўзгаргач, касалнинг аҳволи яхшиланиб юқорида кўрсатилган аломатлар йўқолиши мумкин.

Агар бир хил беморларда касаллик аломатлари бутунлай йўқолиб кетса, бошқаларининг асаблари бузилганда, шамоллаш натижасида ёки чарчаганда касаллик зўрайиб ва юқоридаги белгилар қайталайди. Бундай касалликларда шамоллаш, томоқ оғриш ва бошқалар оғир кечади. Гипотония касаллиги баъзи кишиларда маълум даврдан кейин гипертонияга айланиши ҳам мумкин. Гипотония миокард инфарктига ёки миянда қон айланишининг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин.

Гипотония касаллиги ҳомиладор аёлларда оғир кечади. Уларда бола ташлаш ёки боланинг эрта туғилиши каби ҳоллар учрайди.

Гипотониянинг олдини олиш ва даволаш йўллари бундай беморларни аввало турмуш ва иш шароитини яхшилаш, асабларининг бузилишига ва чарчашига йўл қўймаслик керак. Бир кечакундузда уйқу саккиз соатдан кам бўлмаслиги лозим. Беморни кучли таом билан тез-тез овқатлантириш зарур, таом гўштли ва витаминларга бой бўлиши керак. Эрта билан ва тушликдан кейин аччиқ чой ёки кофе ичса, касал ўзини яхши сезади.

Беморнинг соф ҳавода юриши, эрталабки гимнастика билан шуғулланиши, вақти-вақти билан душ қабул қилиши, ёз кунлари оқар сувда чўмилиши унинг аҳволини яхшилайди.

Тажриба шуни кўрсатадики, от гўшти, қази гипотонияга йўлиққан касалларнинг қон босимини нормаллаштиради.

Гипотониянинг оғир формасини юқорида кўрсатилган тадбирлар билан бир қаторда, дори-дармонлар ёрдамида даволаш лозим. Дорилардан кофеин укол қилинади. Ичиш учун женьшень — 15-20 томчи икки маҳал берилади.

Гипотония натижасида келиб чиққан бош оғриғини қолдиришга кофеин, эфедрин ёки амидопиринни аналгин билан қўшиб берилади. Юрак соҳасидаги оғриқни волокардин ёки зеленин томчиси қолдиради.

Кордиамин ва адонизит юрак фаолиятини яхшилайди, уйқуси бузилган касалларга ухлатадиган дорилар берилади. Сўнгги йилларда гипотония касаллигини даволашда ишлатиладиган 10-12 хил янги дори синтез қилинди. Булардан врач кўрсатмаси билан тўғри фойдаланилса гипотонияни даволаш анча осон бўлади.

Гипотония касаллигини амбулаториядa, санатория шароитида ёки касалхонанинг терапия бўлимида даволанади.

Иссиқ ёки қимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи цехларни тез-тез шамоллатиб турилиши ва бу цехларнинг чиқиндиларини ўз вақтида олиб ташланиши, гипотония касаллигининг олдини олишда катта роль ўйнайди.

Саноат корхоналарида иш шароитини ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилишни санитария инспекторлари ва меҳнат ҳавфсизлигини таъминловчи кишилар билан бир қаторда шу корхоналарнинг медицина ходимлари олиб боришлари керак.

Т. ҲАЙДАРОВ,
медицина фанлари кандидати.

УЗОҚНИ КЎЗЛАБ

Футбол бўйича Узбекистон XXXIII чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари 24 августда бошланди.

Физкультура коллективларининг бу йилги Узбекистон чемпионатида республикамизнинг барча областлари, Қорақалпоғистон АССР ҳамда Тошкент шаҳридан ўн еттита команда иштирок этмоқда.

Маълумки, СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг командаси ўтган йили мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалларга сазовор бўлган эди. Спорт мастери Мақсуд Шарипов раҳбарлигидаги завод футболчилари бу йил чемпионат бошланиши биланоқ пешқадамликни қўлга олдилар. Биринчи давра мусобақаларини фақат шу командагина мағлубиятсиз якунлай олди. Коллектив 16 ўйинда 26 очко тўплаб, турнирда карвонбошилик қилмоқда «Трактор» биринчи даврада энг кўп тўп киритиб, ўзига хос рекорд қўйди.

Республика ихтисослаштирилган футбол мактабининг талабалари мусобақада анча вақтгача пешқадамлик қилишди. Лекин давра охирларидаги бир неча маглубият ёш футболчиларни тўртинчи ўринга тушириб юборди. Хоразм областидаги Наримонов номли колхоз командаси кейинги йилларда республикамизнинг етакчи коллективларидан бирига айланиб, қолибки даъвогарлари сафида бормоқда. Бу йил командага Григорий Цейтин тренерлик қиляпти. Колхоз футболчилари 16 учрашувдан ўн биттасини галаба билан якунлаб, 2-ўринга чиқиб олишди. Маргилон шойи комбинатининг «Меҳнат» командаси ҳужумкорликда кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Жамоатчи тренер Юрий Наймушиннинг шогирдлари хоразмликлар сингари биринчи даврада ўн бир марта галаба қилишди. Ҳимоя эвеноси ўйини ҳам мақтовга сазовор. Маргилонликлар 16 ўйинда атиги саккизта тўп ўтказиб юборганларини айтиш кифоя.

Деновнинг «Сурхон», Зарафшоннинг «Прогресс», Каттақўрғоннинг «Дўстлик», Тошкент областининг «Бўка» совхози ҳамда Нукуснинг «Буревестник» командалари бу йил республика чемпионатида биринчи марта қатнашмоқдалар. Булар орасида айниқса «Сурхон» футболчиларининг натижаларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Команда рақиблар майдонида ҳам бўш келмаса, турнирда янада юқорироқ кўтарилган бўларди.

Афсуски, биринчи давра охирларида иштирокчилар орасида Жиззах областининг «Строитель» (Гагарин шаҳри) командаси кўринмай қолди. «Трактор»га 1:5, Футбол мактабига 1:7, наманганлик футболчиларга 0:10 ҳисобларида ютқазган команда «тўсатдан» бир неча ўйинга боролмади. «Строитель» футболчилари кейинчалик мусобақадан чиқиб кетишни маъқул кўрдилар. Зарур тайёргарлик кўрмай, республика миқёсидаги биринчиликни тарк этиш эса Жиззах области футболчилари учун янгилик эмас. Ўтган йилги чемпионатда ҳам бу областнинг командаси аввалига бир неча шаҳарга мусобақага бормаган, кейинчалик «гойиб» бўлиб қолган эди. Республика футбол федерацияси область спорткомитети раҳбарлари бу йил хатони такрорламайдилар, деб ўйлагаи эди. Лекин умид оқламади.

Биринчиликнинг кўпгина иштирокчилари мамлакат чемпионатининг иккинчи лигасида қатнашаётган Узбекистон командалари учун дублёрлар вазифасини ўтаётганлари футбол мухлисларини қоятда қувонтирмоқда. Маргилоннинг «Меҳнат» ҳамда Фарғонанинг «Текстильщик» командалари «Нефтяник» учун, Деновнинг «Сурхон» командаси «Автомобилист» (Термиз) коллективи учун, Зарафшоннинг «Прогресс»и Навоийнинг «Зарафшон» коллективи учун, Янгиернинг «Бетоншчик» командаси эса «Мелиоратор» коллективи учун футболчилар етказиб бершда самарали иш олиб бормоқдалар.

Республика XXXIII чемпионатти биринчи даврасининг якуний жадвали шундай:

	Ю	Д	М	Т	О
«Трактор» (Тошкент)	10	6	—	37-10	26
«Хоразм» (Нариманов номли к-з)	11	2	3	34-10	24
«Меҳнат» (Маргилон)	11	2	3	25-8	24
Футбол мактаби (Тошкент)	8	5	3	32-20	21
«Каршистрой» (Қарши)	8	3	5	31-11	19
«Шахриханец» (Андижон обл.)	8	3	5	24-16	19
«Строитель» (Бухоро)	8	3	5	26-24	19
«Текстильщик» (Фарғона)	8	2	6	35-31	18
«Сурхон» (Денов)	7	2	7	16-17	16
«Старт» (Тошкент)	6	3	7	32-30	15
«Текстильщик» (Наманган)	5	3	8	23-26	13
«Прогресс» (Зарафшон)	5	2	9	20-34	12
«Металлург» (Олмалиқ)	2	7	7	17-23	11
«Бетоншчик» (Янгиер)	5	—	11	11-27	10
«Дўстлик» (Каттақўрғон)	4	2	10	17-41	10
«Бўка» с-зи (Тошкент обл)	3	2	11	13-39	8
«Буревестник» (Нукус)	2	3	11	16-44	7

А. ИМОМХЎЖАЕВ,
«Совет Узбекистони» спорт шарҳловчиси.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Ранг-баранг қўшиқлар. 12.45 — Адабий ўқиш. 13.05 — Музикали киоск. 13.35 — Қишлоқ янгиликлари. 14.35 — Еттинчи осмон (бадиий фильм). 16.10 — Бугун — шахтёрлар куни. 16.40 — Музикали программа. 18.05 — Янги ўқув йили бошланишига бағишланган кўрсатув. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Халқаро панорама. 20.10 — **Бимбобелло печеньеси** (бадиий фильм). 21.00 — **Киносаёҳатчилар клуби**. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Музикали абонемент. 23.10 — Фильм-концерт.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 10.50 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 11.30 — Педнатр суҳбати. 11.45 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 12.35 — **Футболдан оғиз очманг** (бадиий фильм). 13.45 — Киноэкран янгиликлари. 18.05 — Юлдузча. 18.45 — Янгра, барабан! 19.15 — Чет эллик меҳмонлар Узбекистон ҳақида. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — **Футбол: «ПОМИР»** (Душанба) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент). Иккинчи тайм. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Бугун — шахтёрлар куни. 22.10 — Нукус: бугун ва эртага. 22.30 — **Телеминиатюралар.** 23.10 — Телефильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Антигона**, 31/VIII **Келинлар кўзголони** (билетлар сотилган).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **Латвия ССР цирк артистларининг хайрлашув гастроллари. «УССУРИ ЙЎЛБАРСЛАРИ»** аттракциони (15.00 ва 19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Катта пойга — САНЪАТ САРОЙИ (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ДРУЖБА», «ҚОЗОГИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч, қурун).

Табор кўкка интилади — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда).

Тоннель охиридаги нур; Жаннат калити: — «ЯНГИОБОД».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

4 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Машҳур иллюзиончи, Жанубий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист

ЭМИЛЬ КИО ИШТИРОКИДА

«МУЪЖИЗАЛАР ОЛАМИДА»

ИЛЛЮЗИОН РЕВЬЮ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА: РСФСРда хизмат кўрсатган артист Борис МАНЖЕЛЛА иштирокида катта цирк томошалари.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Томошалар ҳар куни соат 19.30; шанба ва якшанба кунлари 15.00 ва 19.30 да бошланади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. — 13322. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 202.